91.	Expected years of schooling — number of years of schooling that a child of school entrance age can expect to receive if prevailing patterns of age — specific enrolment rates were to stay the same throughout the child's life.	Таълим олишнинг кутилаётган давомийлиги — бу таълим қамрови даражаси бўлиб, агар боланинг бутун умри давомида, ушбу қамров ўзгармас бўлиб қолса, мактаб ёшидаги бола кутаётган таълим олиш йилларининг давомийлигини ифодаловчи кўрсаткичдир.	Ожидаемая продолжительность образования — показатель отражает количество лет образования, которое может получить ребенок школьного возраста, если уровень охвата обучением останется таким же в течение жизни ребенка.
92.	Exports of goods and services	Товарлар ва хизматлар экспорти —	Экспорт товаров и услуг —

	English	Ўзбекча	Русский
	—the value of all goods and other market services provided to the rest of the world. Included is the value of merchandise, freight, insurance, transport, travel, royalties, licence fees and other services, such as communication, construction, financial, information. Excluded are labour and property income and transfer payments.	бошқа давлатга тақдим этилган барча товарлар ва хизматларнинг бозор нархидаги қиймати, шу жумладан, товарлар, фрахт (кемада юк ташиш ҳақи), суғурта, транспорт, хизмат сафарлари, роялти, лицензия учун тўловлар, алоқа, қурилиш, молия, ахборот каби кўрсатилган хизматлар ҳам киритилади. Меҳнат ва мулкдан олинган фойда, шунингдек, трансферт тўловлари бундан мустасно.	стоимость всех товаров и прочих рыночных услуг, предоставленных другим страна, включая стоимость фрахта, страхования, транспорта, командировок, роялти, лицензионных выплат и других видов таких услуг, как связь, строительство, финансы, информация, за исключением труда и доходов от имущества, а также трансфертных платежей.
93.	Exports, high-technology — exports of products with a high intensity of research and development. They include high-technology products such as those used in aerospace, computers, pharmaceuticals, scientific instruments and electrical machinery.	Юқори технологиялар экспорти — бу юқори даражадаги илмий тадқиқотлар ва ишланмалардан иборат бўлган маҳсулотларнинг экспортидир. Уларга авиацион-космик, фармацевтика, компьютер технологиялари, илмий ва электротехник ускуналар каби юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар киритилади.	Экспорт высоких технологий — экспорт продукции, для которой характерен высокий уровень научных исследований и разработок. К нему относятся такие виды высоко технологической продукции, как авиационно-космическая, фармацевтическая, компьютерные технологии, научное и электротехническое оборудование.
94.	Exports, manufactured — defined according to the Standard International Trade Classification to include exports of chemicals, basic manufactures, machinery	Саноат товарлари экспорти — савдонинг халқаро стандарт таснифига мувофиқ белгиланади ҳамда кимё саноати маҳсулотлари, ишлаб чиқаришнинг асосий турлари, машина	Экспорт промышленных товаров — определяется в соответствии с Международной стандартной классификацией торговли и включает экспорт продуктов химической

	English	Ўзбекча	Русский
	and transport equipment and other miscellaneous manufactured goods.	парклар, транспорт ускуналари, шунингдек, бошқа саноат маҳсулотлари турларининг экспортидан иборатдир.	промышленности, основных видов производства, машинный парк и транспортное оборудование, а также другой ассортимент промышленной продукции.
95.	Exports, primary — defined according to the Standard International Trade Classification to include exports of food, agricultural raw materials, fuels and ores and metals.	Хом ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти — савдонинг халқаро стандарт таснифига мувофиқ белгиланади ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги хом ашёси, ёнилғи, руда ва металллар экспортидан иборатдир.	Экспорт сырьё и сельскохозяйственной продукции — определяется в соответствии с Международной стандартной классификацией торговли и включает экспорт продовольствия, сельскохозяйственного сырья, топлива, руды и металлов.
	F		
96.	Family — the UN General Assembly in its resolution 44/82 of 8 December 1989, proclaimed 1994 as the International Year of the Family (IYF) with its theme of "Family: resources and responsibilities in a changing world." No attempt was made by the United Nations to define or delineate the "ideal family" or to direct "family policy" to specific goals. The	Оила — Бирлашган Миллатлар Ассамблеясининг 1989 йил 8 декабрдаги 44/82 сонли резолюциясида 1994 йил «Дунёнинг ўзгаришида оила бу ресурслар ва масъулиятлар» шиори остида Халқаро Оила йили деб эълон қилинди. БМТ «идеал оила» тушунчасини маълум бир қолипга солиш ёки «оила ахлоқи»ни аниқ бир вазифалар сари йўналтиришни мақсад қилиб қўймади. Оила концепцияси	Семья — Ассамблея Объединенных Наций в резолюции 44/82 от 8 декабря 1989 года провозгласила 1994 год Международным Годом Семьи под лозунгом: "Семья: Ресурсы и Ответственность в меняющемся мире". ООН не пыталась определить или обрисовать "идеальную семью" или направить линию "поведения семьи" к определенным задачам. Концепция семьи может отличаться в некоторых аспектах от государства к государству и даже от региона к региону

	English	Ўзбекча	Русский
	concept of the family may differ in some respects from State to State, and even from region to region within a State, and that it is therefore not possible to give the concept a standard definition.	баъзи жихатлари билан давлатдан давлатга ва ҳаттоки давлат ичидаги бир минтақадан иккинчи минтақагача ўтиб борган сари фарқланиб боради, шу боис, оила тушунчасига универсал ягона бир таъриф бериб бўлмайди.	внутри государства и поэтому невозможно дать стандартное универсальное определение семьи.
97.	Family planning — implies the ability of individuals and couples to anticipate and attain their desired number of children and the spacing and timing of their births. FP is achieved through contraception capable of preventing pregnancy - and through the treatment of involuntary infertility.	Оила куришни режалаштириш — бу шундай хатти-ҳаракатлар мажмуаси ҳисобланадики, унда баъзи бир шахсларга ёки эр-хотинларга ёрдам бериш орқали қуйидаги натижаларга эришиш тушунилади: а) исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш; б) орзиқиб кутилаётган болани дунёга келтириш; в) ҳомиладорликлар орасидаги оралиқ муддатни назорат қилиш; г) ота-оналарнинг ёшидан келиб чиққан ҳолда фарзанд кўриш вақтини танлашни назорат қилиш ва оиладаги фарзандлар сонини белгилаш.	Планирование семьи — те виды деятельности, которые имеют целью помочь отдельным лицам или супружеским парам достичь определенных результатов: а) избежать нежелательной беременности; б) произвести на свет желанных детей; в) регулировать интервал между беременностями; г) контролировать выбор времени деторождения в зависимости от возраста родителей и определять количество детей в семье.
98.	FAO — is a food and agriculture organization, founded in 1945. Covers questions of food resources and agricultural	FAO — БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи ташкилотидир. FAO 1945 йилда ташкил топган бўлиб, дунё	FAO — продовольственная и сельскохозяйственная организация ООН, образованная в 1945 г. Занимается вопросами продовольственных ресурсов и развития сельского хозяйства в

	English	Ўзбекча	Русский
	development in order to improve the lives of the peoples of the world.	аҳолисининг турмуш даражаси сифатини ошириш мақсадида озиқ-овқат ресурслари ва кишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланадиган БМТ ташкилотидир.	целях улучшения условий жизни народов мира.
99.	Fertility — a woman's reproductive ability, ie the ability of women to bear children in the physiological period, called the fertile age. In demographic statistics taken from the fertile age 15 to 49 years.	Фертиллилик — бу аёлларнинг репродуктив хусусияти бўлиб, фертил ёшидаги физиологик даврда аёлларнинг фарзанд кўриш қобилиятини ифодалайди. Демографик статистикада бола кўриш ёши (фертиллилик даври) 15 дан 49 ёшгача деб қабул қилинган.	Фертильность — это репродуктивная способность женщины, которая отражает способность женщины к деторождению в физиологический период, называемый фертильным возрастом. В демографической статистике фертильный возраст принимается от 15 до 49 лет.
100.	Fertility rate, adolescent — number of births to woman ages 15-19, expressed per 1.000 women of the same age.	Фертиллилик даражаси, ўсмирлар орасида — 15—19 ёшдаги ҳар бир аёлга тўғри келадиган туғишлар сони, шу ёшдаги ҳар 1000 та аёлга тўғри келган туғруқлар миқдорида ифодаланган.	Коэффициент фертильности, подростки — количество родов на каждую женщину в возрасте 15-19 лет, выражается в количестве родов на 1000 женщин данного возраста.
101.	Fertility rate, total — the number of children that would be born to each woman if she were to live to the end of her child-bearing years and bear children at each age in accordance	Умумий фертиллилик кўрсаткичи — агарда аёл муайян давлатда, минтақада, жуғрофий жойда ушбу ёш/давр учун хос бўлган фертиллилик кўрсаткичига биноан фарзанд кўрадиган бўлса, нечта фарзанд кўриши мумкин бўлган кўрсаткичдир.	Показатель фертильности, общий — число детей, которых могла бы родить женщина за весь фертильный период своей жизни, если бы она рожала в каждом возрастном периоде в соответствии с определенным для этого возраста/периода

	English	Ўзбекча	Русский
	with prevailing age-specific fertility rates in a given year/period, for a given country, territory or geographical area.		показателем фертильности, в данной стране, регионе, географической местности.
102.	Fiscal policy — budget policy, or actions aimed at legislative and institutional guarantee of forming and executing the state budget. It defines sources of budget intakes as well as its expenditures. It is through the level and pattern of budgetary surpluses and their means of financing that government can control the level of demand in a country, and accordingly impact the rate of economic growth.	Фискал сиёсат — бу давлат бюджети шакллантирилиши ва ижро этилишини қонуний ва маъмурий таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар мажмуидир. Ушбу сиёсат давлат бюджетига тушумлар манбаларини ҳамда харажатлари йўналишларини белгилайди. Ҳукумат бюджетнинг даромад ва харажат даражалари ўртасидаги фарқни тартибга солиш орқали, мамлакатнинг жами талаб даражасига ва иқтисодий ўсиш суръатларига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин дир.	Фискальная политика — это проводимая государством бюджетная политика или действия по законодательному и административному обеспечению формирования и исполнения государственного бюджета. Определяет источники поступлений в бюджет, а также направления государственных расходов. Регулируя разницу между уровнями доходов и расходов бюджета, правительство может влиять на уровень совокупного спроса в стране и, соответственно, на темпы экономического роста.
103.	Foreign direct investment, net inflows of — net inflows of investment to acquire a lasting management interest (10% or more of voting stock) in an enterprise operating in an economy other than that of	Тўғридан-тўғри хорижий сармоялар (ТТХС), умумий кириб келиш ҳажми — инвесторнинг ватанидаги шарт-шароитлардан фарқ қиладиган иқтисодий шароитда фаолият юритаётган корхонанинг узок муддатли бошқарув пакетини (10 фоиз ёки ундан	Прямые иностранные инвестиции, общий объем поступлений — приток ПИИ для приобретения долгосрочного контрольного пакета (10% или более акций с правом голоса) в предприятии, функционирующем в экономических условиях, которые

	English	Ўзбекча	Русский
	the investor. It is the sum of equity capital, reinvestment of earnings, other long-term capital and short-term capital.	ортиқ бўлган овоз бериш ҳуқуқини берадиган акциялар) сотиб олиш учун кириб келган тўғридан-тўғри инвестициялар оқимидир. Шахсий маблағлар, реинвестиция қилинган фойда, узок муддатли ва қисқа муддатли молиялаштиришнинг бошқа турлари йиғиндисидир.	отличаются от условий в стране инвестора. Сумма собственных средств, реинвестированной прибыли, других видов долгосрочного и краткосрочного финансирования.
104.	Freedom — In "Development as Freedom", Sen identified five such instrumental freedoms: (I) political freedom; (II) economic facilities; (III) social opportunities; (IV) transparency guarantees; (V) protective security.	Эркинлик — «Эркинлик тараққиёт сифатида» асарида А.Сен эркинликнинг бешта турини санаб ўтади: (I) сиёсий эркинлик; (II) иқтисодий эркинлик; (III) ижтимоий имкониятлар; (IV) ошқоралик қафолатлари; (V) хавфсизлик.	Свобода — В труде А. Сена " Свобода как развитие " автор отмечает пять видов свободы: (i) политическая свобода; (ii) экономические инструменты; (iii) социальные возможности; (iv) гарантии прозрачности; (v) безопасность.
105.	Freedoms, process — involve empowerment and democratic practices at different levels.	Жараёнлар билан боғлиқ бўлган эркинликлар — бу тушунча турли даражаларда ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда демократик чоралар қўллашни назарда тутди.	Свободы, связанные с процессами — это понятие подразумевает расширение прав и возможностей, а также демократические меры на разных уровнях.
106.	Freedom, real - In the concept of HD these are the freedoms associated with the potential life	Эркинлик, ҳақиқий — Инсон таррақиёти назариясига кўра, инсонлар қандай ҳаёт тарзини ўзлари	Свободы, реальные — в концепции Человеческого Развития это свободы, связанные с возможностями вести

	English	Ўзбекча	Русский
	that people find worthwhile. Also describes the opportunities for people (A.Sen).	учун муносиб деб билсалар, ўшандай ҳаёт кечира олиш имкониятлари билан боғлиқ эркинликлар мажмуи демакдир. А.Сен ёндашуви бўйича ҳақиқий эркинликлар инсонлар учун жамиятда амалда мавжуд бўлган имкониятлардир.	такую жизнь, которую люди считают достойной. Согласно А.Сену реальные свободы - это имеющиеся возможности для людей в данном обществе.
107.	Futureless growth — growth that is accompanied by a waste of economic and natural resources needed to sustain life for future generations.	Келажаксиз ўсиш — бу шундай иқтисодий ўсишки, унинг натижасида келажак авлод учун зарур бўлган табиий ва иқтисодий неъматлар айни пайтдаги ўсишни таъминлаш учун аёвсиз сарфланади.	Рост без будущего — это экономический рост, сопровождающийся растратой экономических и природных ресурсов, необходимых для жизнеобеспечения будущих поколений.
	G		
108.	Gender — the set of social, cultural, political, legal and economic characteristics socially allocated as a function of a woman or a man from birth onwards. It is the distinct social significance of being female or male in a given culture. Social and cultural constructs, created on the basis of sexual differences, determine the way that women and men interact so they	Гендер — жамиятда мавжуд булган шарт-шароитлардан келиб чиқиб, аёллар ва эркекларнинг туғилишидан бошлаб жамият томонидан аёл ва эркекларга бериладиган ижтимоий, маданий, сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий хусусиятлар мажмуи. Бу мазкур маданиятда одамнинг аёл ёки эркек эканлигининг ижтимоий фарқидир. Жинсий фарқлар асосида яратилган ижтимоий ва маданий концепциялар	Гендер — совокупность социальных, культурных, политических, правовых и экономических характеристик, выделенных в качестве функций мужчины и женщины от момента рождения согласно сложившимся положениям в обществе. Это различия социальной значимости от того, является ли человек мужчиной или женщиной в данной культуре. Социальные и культурные концепции, созданные на основе разницы между полами, определяют взаимодействие

	English	Ўзбекча	Русский
	determine the distribution of power within a society. Because it is a socio-cultural construct, it changes over the course of history and varies from one culture to another.	аёллар ва эркеклар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ва жамиятдаги ҳокимият тақсимланишини белгилаб беради. Бу концепция ижтимоий-маданий концепция эканлиги боис, тарихий жараёнда ўзгариб бориш хусусиятига эгадир, шунинг учун бу тушунча бир маданиятдан бошқасига қараб фарқланиб боради.	между мужчинами и женщинами и распределение власти в обществе. В связи с тем, что это социально-культурная концепция, она имеет тенденцию меняться в историческом контексте и различается от одной культуры к другой.
109.	Gender analysis — collection and analysis of sex-disaggregated information to reveal different experiences, knowledge, talents and needs of girls and women, boys and men in a society. It is used to ensure that policies, programmes and projects can identify and meet the needs and redress inequities based on gender. Gender analysis aims at contributing to understanding implications of planned interventions and their potential outcomes on women and men.	Гендер таҳлили — жамиятда қиз болалар ва аёлларнинг, ўғил болалар ва эркекларнинг турли фаолиятларини, билимларини, истеъдодларини ва эҳтиёжларини намоён этиш учун тўпланган маълумотлар мажмуаси ва таҳлилидир. Ундан жинсий тафовутларга асосланган тенгсизликларни аниқлаш ва бундай тенгсизликларни бартараф этишга имкон берадиган сиёсат, дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун фойдаланилади. Гендер таҳлили режалаштирилган чораларнинг натижалари ва уларнинг аёллар ҳамда эркеклар учун оқибатларини тушуниш	Гендерный анализ — сбор и анализ информации, дезагрегированной по полу, для выявления различных практик, знаний, талантов и потребностей девочек и женщин, мальчиков и мужчин в обществе. Используется для обеспечения такой политики, программ и проектов, которые смогли бы определить и удовлетворить потребности в искоренении неравенства по половому признаку. Гендерный анализ направлен на оказание содействия в понимании последствий планируемых мероприятий и их потенциальных последствий для женщин и мужчин.

	English	Ўзбекча	Русский
		учун йўналтирилгандир.	
110.	<p>Gender Based Violence — is any act of violence that results in, or is likely to result in, physical, sexual or psychological harm or suffering to women, including threats of such acts, coercion or arbitrary deprivation of liberty, whether occurring in public or in private life.</p>	<p>Гендерга асосланган зўравонлик — бу жамоатда ёки шахсий ҳаётда, зўрлаш ёки тўсатдан озодликдан махрум бўлиш каби ҳаракатлар таҳдидларини ўз ичига олган, аёлларга нисбатан жисмоний, жинсий, рухий зарар ҳамда азобланишга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай зўравонлик ҳаракатидир.</p>	<p>Гендерное насилие — это любой акт насилия, который причиняет или может причинить физический, сексуальный или психологический ущерб или страдание женщине, включая угрозы по совершению таких актов, принуждение или произвольное лишение свободы, будь то в общественной или частной жизни.</p>
111.	<p>Gender budgeting — a process to help assess whether a government’s gender commitments are translated into the allocation of resources to bridge gender gaps. Gender budgeting is not about devising a separate budget for women and men, but about using tools and processes to analyse the formulation of national budgets and the allocation of resources through a gender lens. This helps assess differential impacts on women and men.</p>	<p>Гендер мақсадлари учун маблағ ажратиш — бу ҳукуматнинг гендер соҳасидаги мажбуриятларининг гендер фарқларини бартараф этиш учун ресурслар ажратиш шаклида бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигини баҳолаш имконини берувчи жараён дир. Гендер мақсадлари учун маблағ ажратиш аёллар ва эркеклар учун алоҳида бюджетлар тузишдан иборат эмас, балки миллий бюджетлар тузилмасини таҳлил қилиш ва ресурсларни гендер нуқтаи назаридан таксимлаш учун восита ва жараёнларни қўллашдан</p>	<p>Гендерное бюджетирование — это процесс, позволяющий оценить, реализуются ли обязательства правительства в области гендера в форме выделения ресурсов на преодоление гендерных разрывов. Гендерное бюджетирование заключается не в составлении отдельных бюджетов для женщин и мужчин, а в применении инструментов и процессов для анализа структуры национальных бюджетов и распределения ресурсов с точки зрения гендера. Это помогает оценить различие в воздействии на женщин и мужчин.</p>

	English	Ўзбекча	Русский
		иборатдир. Бу аёллар ва эркекларга таъсир кўрсатишдаги фарқларни баҳолашга ёрдам беради.	
112.	<p>Gender division of labour — functions and responsibilities associated with or assigned to women's and men's gender roles. May imply that only men are involved in specific activities (male jobs) not carried out by women, and vice versa (female jobs). Changes in socially constructed gender roles may lead to changes in activities, including both women and men carrying out the same activities.</p>	<p>Мехнатнинг гендер тақсимоти — аёллар ва эркекларга уларнинг жинсий фарқликлари билан боғлиқ бўлган вазифалар ва мажбуриятларнинг тақсимланишидир. Бу фақат муайян ишга (эркеклар иши) эркеклар жалб этилган бўлиши кераклигини ва уларни аёллар бажара олмаслигини ҳамда аксинча вазиятда аёллар ишларини аёллар бажариш кераклигини англатади. Ижтимоий қолипга келтирилган гендер роллардаги ўзгаришлар ҳар иккала жинс вакиллари томонидан бирдай баробар ишларнинг бажарилишини ҳам ўз ичига оладиган ишларнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин.</p>	<p>Гендерное разделение труда — это функции и обязанности, ассоциируемые или назначенные женщинам и мужчинам по признаку пола. Это может означать, что только мужчины могут быть вовлечены в определенные работы (мужская работа) и их не могут выполнять женщины, и наоборот (женская работа). Изменения в социально сконструированных гендерных ролях могут привести к изменению их работы, включая выполнение одних и тех же обязанностей как женщинами, так и мужчинами.</p>
113.	<p>Gender empowerment measure (GEM) — a composite index, which was used till 2010, that measures gender inequality in three basic dimensions of empowerment—</p>	<p>Аёллар имкониятларини кенгайтириш кўрсаткичи (АИКК) — 2010 йилгача гендер тенгсизликни ўлча асосий йўналиш бўлган иқтисодий ҳаёт ва қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш, сиёсий ҳаёт ва қарорлар</p>	<p>Показатель расширения возможностей женщин (ПРВЖ) — составной показатель, измерявший до 2010 года гендерное неравенство по трём основным направлениям: участие в экономической жизни и процессе принятия</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	economic participation and decision-making, political participation, and decisionmaking and power over economic resources.	қабул қилишда иштирок этиш, шунингдек, иқтисодий ресурсларни назорат қилиш йўналишлари бўйича ўлчаш учун ишлатилган таркибий кўрсаткич бўлган.	решений, участие в политической жизни и принятии решений, а также контроль над экономическими ресурсами.
114.	Gender equality — a situation in which the different behaviors, aspirations and needs of women and men are considered, valued and promoted equally. Women and men have equal conditions for realizing their full human rights and for contributing to, and benefiting from, economic social, cultural and political development. This does not mean that women and men must become the same, but that their rights, responsibilities and opportunities will not depend on whether they were born male or female. Gender equality implies that all human beings, male and female, are free to develop their personal capacities	Гендер тенглиги — аёллар ва эркекларнинг турли хулқларини, интилишларини ва эҳтиёжларини бир хил инобатга олган, муҳим ўрин тутган ва тенг ҳуқуқли тарзда олға силжитилган жараён тушунилади. Аёллар ва эркеклар инсон ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш, ўзларининг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ривожланишга ҳисса қўшиши ва ундан фойда олиш учун тенг шарт-шароитга эгадирлар. Бу аёллар ва эркеклар бир хил бўлиб қолади дегани эмас, балки бу уларнинг ҳуқуқлари, мажбурияти ва имкониятлари уларнинг аёл бўлиб ёки эркек бўлиб туғилишларига боғлиқ эмаслигини англатади. Гендерли тенг ҳуқуқлилик барча эркеклар ва аёллар ўзларининг шахсий имкониятларини	Гендерное равноправие — это ситуация, при которой различное поведение, стремления и потребности женщин и мужчин приняты во внимание, значимы и равноправно продвигаются. Женщины и мужчины имеют равные условия для полной реализации их прав человека и внесения вклада и получения выгод от экономического, социального, культурного и политического развития. Это не означает, что женщины и мужчины станут одинаковыми, это означает лишь то, что их права, обязанности и возможности не будут зависеть от того, родились они мужчинами или женщинами. Гендерное равноправие означает, что все человеческие существа, мужчины и женщины, могут свободно развивать свои личные возможности и принимать решения.

	English	Ўзбекча	Русский
	and make decisions.	эркин ривожлантира олиши ва қарорлар қабул қила олишини билдиради.	
115.	Gender Inequality-adjusted Index (GII) — measures inequality in achievements between women and men in three dimensions: reproductive health, empowerment and the labour market. Gender Inequality-adjusted Index is used since 2010.	Гендер тенгсизлиги индекси (ГТИ) — бу аёллар ва эркакларнинг қуйидаги уч ўлчам бўйича ютуқлар тенгсизлигини ифодалайди: саломатлик репродуктивлиги, ҳуқуқлар ва имкониятларнинг кенгайиши ҳамда меҳнат бозоридаги шароит. 2010 йилдан гендер тенгсизликни аниқлаш учун ишлатилади.	Индекс гендерного неравенства (ИГН) — отражает неравенство в достижениях между мужчинами и женщинами в трех измерениях: репродуктивном здоровье, расширении прав и возможностей, а также на рынке труда. Используется с 2010 года для определения уровня гендерного неравенства.
116.	Gender socialization — process - learning, accepting and behaving accordingly for a woman and a man, the process when from early childhood boys and girls are categorized by different gender roles, taught to accept and perform standard female and male functions and norms that the society has prescribed to them.	Гендернинг ижтимоийлашув жараёни — бу аёлга ва эркакка хос ўрганиш, қабул қилиш ва ўзини тутиш жараёнидир. Жамият томонидан кўрсатилган аёллик ва эркаклик стандарт вазифаларини ва мезонларини қабул қилишни ҳамда бажаришни ёшликданок ўргатувчи турли гендер ролларини белгилайдиган жараён дир.	Гендерная социализация — это процесс изучения, принятия и поведения так, как подобает женщине и мужчине, процесс, определяющий разные гендерные роли, в котором их обучают принимать и выполнять стандартные женские и мужские функции и нормы, которых общество им предписывает.
117.	Gender-related development index (GDI) — a composite index measuring	Гендер омили ҳисобга олинган ривожлантириш индекси (ГОРИ) — инсон тараққиётини ривожлантириш	Индекс развития с учётом гендерного фактора (ИРГФ) — составной индекс, определяющий уровень

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>average achievement in the three basic dimensions captured in the human development index—a long and healthy life, knowledge and a decent standard of living—adjusted to account for inequalities between men and women. While the HDI measures average achievement, the GDI adjusts the average achievement to reflect <i>inequalities</i> between men and women in the following dimensions: A long and healthy life, as measured by life expectancy at birth. Knowledge, as measured by the adult literacy rate and the combined primary, secondary and tertiary gross enrollment ratio. A decent standard of living, as measured by estimated earned income (PPP US\$).</p>	<p>индексининг учта асосий йўналиши — саломатлик ва узоқ умр, билим олиш ва муносиб турмуш даражаси бўйича эришилган ўртача натижалар даражасини белгилловчи таркибий индекс бўлиб, унга куйидаги элементларда аёллар ва эркеклар ўртасидаги номуносивликни ҳисобга олиш учун тузатиш киритилган: туғилишда кутиладиган умр давомийлиги билан ўлчанадиган узоқ ва соғлом ҳаёт; катта ёшли аҳолининг саводхонлик даражаси ва ўқув муассасаларига кирганларнинг умумий кўрсаткичи билан ўлчанадиган таълим; олинган фойданинг тахминий миқдори билан ўлчанадиган муносиб турмуш даражаси (ХҚТ АҚШ доллариди). Мазкур индекс 2010 йилгача ишлатилган эди.</p>	<p>средних достижений по трём основным направлениям индекса человеческого развития, скорректированный для учета <i>диспропорций</i> в положении между мужчинами и женщинами в следующих элементах: долгой и здоровой жизни, измеряемой ожидаемой при рождении продолжительности жизни; знаниях, измеряемых уровнем грамотности взрослого населения и общим показателем поступивших в учебные заведения; достойном уровне жизни, измеряемом приблизительным показателем полученного дохода (ППС в долл. США). Данный индекс использовался до 2010 года.</p>
118.	<p>Gini index — measures the extent to which the distribution of income (or</p>	<p>Жини коэффиценти (Gini index) — муайян мамлакатда айрим шахслар ёки уй-рўзғор хўжаликлари</p>	<p>Коэффициент Джини (Gini index) — показатель, характеризующий степень отклонения фактического распределения</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>consumption) among individuals or households within a country deviates from a perfectly equal distribution. A Lorenz curve plots the cumulative percentages of total income received against the cumulative number of recipients, starting with the poorest individual or household. The Gini index measures the area between the Lorenz curve and a hypothetical line of absolute equality, expressed as a percentage of the maximum area under the line. A value of 0 represents absolute equality, a value of 100 absolute inequality.</p>	<p>даромадларининг амалда тақсимланиши (ёки истеъмол харажатлари)нинг мутлақ тенгсизлик даражасини тавсифловчи кўрсаткич. Лоренц эгри чизиғи индивидумлар ёки уй-рўзғор хўжалиқларининг умумий даромадларини уларнинг кумулятив сонига нисбатан фоизини кўрсатади. Жини коэффиценти эгри чизиқ остидаги максимал майдонни фоизларда ифодалагани ҳолда, Лоренц эгри чизиғи билан мутлақ тенгликнинг гипотетик чизиғи ўртасидаги масофани белгилайди. Индекс микдори 0 мутлақ тенгликдан 100 — мутлақ тенгсизликкача ўзгаради.</p>	<p>доходов (или потребительских расходов) отдельных лиц или домохозяйств в определенной стране от абсолютного равенства. Кривая Лоренца показывает кумулятивный процент общего полученного дохода в отношении кумулятивного числа реципиентов, начиная с беднейших индивидуумов или домохозяйств. Коэффициент Джини определяет расстояние между кривой Лоренца и гипотетической линией абсолютного равенства, выражая в процентах максимальную площадь под кривой. Значение индекса изменяется от 0 — абсолютное равенство, до 100 — абсолютное неравенство.</p>
119.	<p>Green economy — as one that results in improved human well-being and social equity, while significantly reducing environmental risks and ecological scarcities. A green economy can be thought of as one which is low carbon, resource</p>	<p>Яшил иқтисодиёт— бу экологик хавфларни камайтириш асосида фаровонликни ошириш ва ижтимоий тенгликни ҳамда ижтимоий жалб қилинишни таъминлаш мақсадида амалга оширилган иқтисодиётдир. Яшил иқтисодиётнинг асосий хусусияти — миллий даромад ва иқтисодий</p>	<p>Зеленая экономика — это экономика, которая функционирует в целях повышения благосостояния и обеспечения социального равенства в обществе, на основе значительного уменьшения экологических рисков, экологических дефицитов и расширения процессов социальной вовлеченности.</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>efficient and socially inclusive. A green economy is one whose growth in income and employment is driven by public and private investments that reduce carbon emissions and pollution, enhance energy and resource efficiency, and prevent the loss of biodiversity and ecosystem services.</p>	<p>ўсишдаги инвестицияларнинг юқори улуши (давлат ёки хусусий кўринишда) углерод эмиссиясини ва атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтиришга, альтернатив энергия манбаларидан фойдаланишнинг имкониятларини кенгайтиришга, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, экотизимларнинг деградациясини камайтиришга ва био хилма-хилликни асрашга қаратилгандир.</p>	<p>Основная черта зеленой экономики - высокий удельный вес инвестиций (как на частном, так и на государственном уровне) направлен на инновационные технологии, которые уменьшают углеродную эмиссию и загрязнение окружающей среды, способствуют использованию альтернативных источников энергии и повышают эффективность использования природных ресурсов, предотвращают деградацию экосистем и приводят к сохранению биологического разнообразия.</p>
120.	<p>Greenhouse gases — those gases present in the atmosphere that trap heat from the sun and warm the earth. Such gases include carbon dioxide, methane, water vapour, nitrous oxide, ozone and halocarbons.</p>	<p>Иссиқхона газлари — бу турдаги газлар кўёшнинг инфрақизил тўлқинларини юқори ютиш қобилиятига эга бўлиб, атмосферанинг қуйи қатлами (тропосфера)да йиғилади. Иссиқхона газлари (углерод диоксид, метан, озон, сув буғи, углеводлар ва сунъий усулда олинган фторхлоруглеводородлар ва ҳ.к.) ер юзидан узун тўлқинли иссиқлик нурланишининг қайтишига қаршилик қилиб, атмосферадаги бу кўринишдаги газларнинг миқдорининг секин-аста</p>	<p>Парниковые газы — данные газы, находящиеся в нижних слоях атмосферы, имеют высокую степень поглощения инфракрасных лучей солнца, что приводит к повышению температуры нижних слоёв атмосферы планеты (парниковый эффект). Основными парниковыми газами, в порядке их оцениваемого воздействия на тепловой баланс Земли, являются водяной пар, углекислый газ, метан, углеводород и искусственно получаемый фторхлоруглеводород.</p>

	English	Ўзбекча	Русский
		ортиши ва йиғилиши натижасида сайёрадаги ҳарорат кўтарилиши иқлимнинг исишига сабаб бўлади.	
121.	<p>Gross domestic product (GDP)— is the total market value at current prices of all final goods and services produced by the factors of production located within a country in a given period (usually a year).</p>	<p>Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)— муяян давр орасида мамлакат ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш омиллари ёрдамида ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматларнинг жами бозор нархидаги ифодаланилган қийматидир.</p>	<p>Валовой внутренний продукт (ВВП)— совокупная рыночная стоимость конечных товаров и услуг, произведенных с помощью факторов производства, расположенными на территории данной страны за определенный период (обычно год).</p>
122.	<p>Gross national disposable income— derived from gross national income by adding current transfers from the rest of the world minus current transfers to the rest of the world (including net value of remittances which are earnings and material resources transferred by international migrants to recipients in their country of origin or countries in which the migrant formerly resided).</p>	<p>Тасарруфдаги ялпи миллий даромад (ТЯМД) — хориждан олинган ва хорижга тўланган жорий трансфертлар айирмаси билан ялпи миллий даромадларнинг йиғиндисидир (ишчи мигрантларнинг соф тўловлар катталикларини ҳисобга олган ҳолда).</p>	<p>Валовой национальный располагаемый доход (ВНРД) — рассчитывается путем добавления текущих трансфертов, полученных из-за рубежа минус текущие трансферты, выплаченные за рубеж к величине валового национального дохода (включая чистую величину переводов рабочих мигрантов).</p>

	English	Ўзбекча	Русский
123.	Gross national income (GNI) — comprises the market value of all products and services generated regardless of where the output is produced in given period (i.e., its gross domestic product, plus net receipts of primary income (compensation of employees and property income from abroad).	Ялпи миллий даромад (ЯМД) — бу муяян давр орасида мамлакат миллий ишлаб чиқариш омиллари ёрдамида (қайси худудда жойлашганидан қатъий назар) ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматларнинг жами бозор нархида ифодаланилган қийматидир (ялпи ички маҳсулот ва ишлаб чиқариш омилларидан олинган даромадларнинг йиғиндиси, соф хорижий даромадларини ўз ичига олади).	Валовой национальный доход (ВНД) — это совокупная рыночная стоимость конечных товаров и услуг, произведенных с помощью национальных факторов производства, вне зависимости от их географического расположения за определенный период (т.е. валовой внутренний продукт плюс чистые факторные доходы из-за рубежа, включая доход от труда и собственности).
124.	Н		
	Health — is a state of complete physical, mental and social well-being and not merely the absence of disease or infirmity	Соғлиқ — бу нафақат касаллик ва жисмоний нуқсонлар йўқлиги ҳолати, балки тўла жисмоний, рухий ва ижтимоий фаровонлик ҳамдир.	Здоровье — это состояние полного физического, душевного и социального благополучия, а не только отсутствие болезней и физических дефектов.
125.	«Health 8» — is an informal group of eight health-related organisations, WHO, UNICEF, UNFPA, UNAIDS, GFATM, GAVI, Bill and Melinda Gates Foundation, and the World Bank created in	«Саломатлик 8» гуруҳи — бу ривожланиш бўйича ҳамкорлар (WHO, the World Bank, UNICEF, UNFPA, UNAIDS, GAVI, GFTAM and the Bill and Melinda Gates Foundation) МТМга эришиш ва ривожланиш мақсадида умумий ва жипслашган	Группа «Health 8 — партнеры по развитию (WHO, the World Bank, UNICEF, UNFPA, UNAIDS, GAVI, GFTAM, and the Bill and Melinda Gates Foundation) создали организацию для более тесной координации их работы, которая призвана взаимодействовать со всеми

	English	Ўзбекча	Русский
	mid-2007 to stimulate a global sense of urgency for reaching the health-related MDGs.	ҳолда иш юритиш учун тузилган норасмий ташкилотдир.	заинтересованными группами с целью достижения ЦРТ.
126.	<p>Health-adjusted life expectancy (HALE) - an indicator that firstly was introduced by WHO as average number of years that a person can expect to live in “full health” by taking into account years lived in less than full health due to diseases and/or injury.</p>	<p>Соғлом ҳаётнинг кутилаётган давомийлиги — бу термин биринчи марта УССТ томонидан кутилаётган соғлом ҳаёт давомийлиги кўрсаткичи сифатида таклиф қилинган бўлиб, ундан касал ёки ишга лаёқатсиз ҳолатида бўлган йиллар чиқариб ташланади.</p>	<p>Ожидаемая продолжительность здоровой жизни - данный термин впервые был предложен ВОЗ, как показатель ожидаемой продолжительности жизни, из которого вычитаются годы, проведенные в состоянии болезни или нетрудоспособности.</p>
127.	<p>Health expenditure per capita (PPP US\$) — the sum of public and private expenditure (in purchasing power parity terms in US dollars), divided by the mid-year population. Health expenditure includes the provision of health services (preventive and curative), family planning activities, nutrition activities and emergency aid designated for health, but</p>	<p>Аҳоли жон бошига соғлиқни сақлаш харажатлари (ХҚТ АҚШ долларида/ PPP US\$) — аҳолининг умумий сонига бўлинган давлат ва хусусий харажатларининг умумий миқдори (ХҚТ АҚШ долларида). Тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш харажатлари соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий хизмат (профилактика ва даволаш хизматлари) кўрсатилишини таъминлаш, оилани режалаштириш соҳасидаги фаолият,</p>	<p>Расходы на здравоохранение на душу населения (ППС в долл. США) [PPP US\$] — сумма государственных и частных расходов (ППС в долл. США), деленная на общую численность населения. Статья расходов на медицинское обслуживание и здравоохранение включает обеспечение медицинского обслуживания (профилактического и лечебного), деятельность в области планирования семьи, организацию питания и чрезвычайную</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	excludes the provision of water and sanitation.	овқатланишни ва фавкулудда ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлардан иборат бўлиб, сув таъминоти ва санитария хизматлари бундан мустасно	помощь в области здравоохранения, но за исключением обеспечения водоснабжением и санитарии.
128.	Health expenditure, private — direct household (out of pocket) spending, private insurance, spending by nonprofit institutions serving households and direct service payments by private corporations. Together with public health expenditure, it makes up total health expenditure. See <i>Health expenditure per capita (PPP US\$)</i> and <i>Health expenditure, public</i> .	Соғлиқни сақлаш харажатлари, хусусий харажатлар — бу уй хўжалиқларининг бевосита харажатлари, хусусий суғурталаш, нотижорат ташкилотларнинг уй хўжалиқларига хизмат кўрсатишга оид харажатлари ва хизматларга бевосита хусусий корпорациялар томонидан ҳақ тўланиши билан боғлиқ харажатлардир. Тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат харажатлари билан йиғиндиси тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлашга оид умумий харажатлар миқдорини ташкил этади. (Қаранг: <i>Аҳоли жон бошига соғлиқни сақлаш харажатлари (ХҚТ АҚШ доллариди)</i> ва <i>Соғлиқни сақлаш харажатлари, давлат харажатлари</i>).	Расходы на здравоохранение, частные — прямые расходы домохозяйств, частное страхование, расходы некоммерческих организаций по обслуживанию домашних хозяйств и прямая оплата услуг частными корпорациями. В сумме с государственными расходами на медицинское обслуживание и здравоохранение составляют общий объем расходов на медицинское обслуживание и здравоохранение. См. Расходы на здравоохранение на душу населения (ППС в долл. США) и Расходы на здравоохранение, государственные.
129.	Health expenditure, public — current and capital spending from government (central and local)	Соғлиқни сақлаш харажатлари, давлат харажатлари — бу ҳукумат бюджетининг (марказий ёки	Расходы на здравоохранение, государственные — эта сумма текущих расходов и

	English	Ўзбекча	Русский
	budgets, external borrowings and grants (including donations from international agencies and nongovernmental organizations) and social (or compulsory) health insurance funds. Together with private health expenditure, it makes up total health expenditure.	маҳаллий даражадаги) жорий харажатлари ва капитал қўйилмалари, четдан қарз олиш ва субсидиялар (шу жумладан, халқаро муассасалар ва ноҳукумат ташкилотларнинг бадаллари) ҳамда тиббий суғуртанинг ижтимоий жамғармалари (ёки мажбурий суғурта) йиғиндисидир. Тиббий хизмат ва соғлиқни сақлашга оид хусусий харажатлар билан қўшилган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлашга оид умумий харажатлар миқдорини ташкил этади.	капиталовложений бюджета правительства (центрального или на местном уровне), внешних заимствований и субсидии (включая взносы международных учреждений и неправительственных организаций) и социальных фондов медицинского страхования (или обязательное страхование). В сумме с частными расходами на медицинское обслуживание и здравоохранение составляют общий объем расходов на медицинское обслуживание и здравоохранение.
130.	Health indicator - a health indicator is a characteristic of an individual, population, or environment which is measured (directly or indirectly) and could be used to describe one or more aspects of the health based on quantitative, qualitative and term parameters.	Саломатлик кўрсаткичи — бу шахс, аҳоли ёки атроф муҳитнинг ҳолатини аниқловчи кўрсаткичдир. Мазкур кўрсаткич саломатликнинг бир ёки бир қанча жиҳатларини ёритиб, миқдорий, сифат ва муддатли параметрларга асосланади.	Показатель здоровья — показатель здоровья является характеристикой отдельного лица, контингента населения или окружающей среды, подлежащей измерению (прямо или косвенно) и может использоваться для описания одного или более аспектов здоровья на основе количественных, качественных и временных параметров.
131.	Health promotion — health promotion is the process of enabling people to increase	Саломатликни мустаҳкамлаш — бу инсонларга ўз саломатликларини бошқариш ва уни яхшилаш	Укрепление здоровья — это процесс, позволяющий людям повысить контроль над своим здоровьем, а также

	English	Ўзбекча	Русский
	control over, and to improve their health. Health promotion represents a comprehensive social and political process, it not only embraces actions directed at strengthening the skills and capabilities of individuals, but also action directed towards changing social, environmental and economic conditions so as to alleviate their impact on public and individual health.	имкониятини берувчи жараён. Саломатликни мустаҳкамлаш кенг қамровли ижтимоий ва сиёсий жараён бўлиб, инсонларнинг нафақат потенциал имкониятларини, кўникма ва билимларини қувватлашга йўналтирилган хатти-ҳаракатларни, балки уларнинг ижтимоий, экологик ва иқтисодий шароитларни ўзгартиришга қаратилган хатти-ҳаракатларини ҳам қамраб олиб, шу орқали уларнинг аҳоли, жамият ва алоҳида гуруҳларнинг саломатлигига таъсирини енгиллаштиради.	улучшить его. Укрепление здоровья представляет собой многоплановый всеобъемлющий социальный и политический процесс и охватывает не только действия, направленные на усиление умений и навыков и потенциальных возможностей людей, но и действия, направленные на изменение социальных, экологических и экономических условий таким образом, чтобы облегчить их воздействие на здоровье населения, сообщества в целом и на здоровье отдельных людей.
132.	Health system — consists of all actors, institutions and resources that undertake health activities whose primary purpose is to promote, restore or maintain health as a state of complete physical, mental and social well-being.	Соғлиқни сақлаш тизими — саломатлик соҳасида фаолият олиб бораётган ҳамда асосий мақсади саломатликни тиклаш ва қўллаб қувватлаш бўлган, тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий саломатликни таъминлаш, уни ҳимоя қилиш соҳасидаги иштирокчилар, манбалари, ва муассасалар мажмуидан иборат.	Система здравоохранения — включает в себя всех акторов, учреждения и ресурсы, осуществляющих свою деятельность в области здоровья, первичная цель которых продвижение, восстановление или поддержка здоровья как состояния полного физического, умственного и социального благополучия.
133.	HIPC completion point — the date at which a country	ХИПК ташаббуси, яқунлаш босқичи —	ХИПК, инициатива, этап завершения — дата, когда страна, включенная в инициативу

	English	Ўзбекча	Русский
	included in the Debt Initiative for Heavily Indebted Poor Countries (HIPC) successfully completes the key structural reforms agreed on at the HIPC decision point, including developing and implementing a poverty reduction strategy. The country then receives the bulk of its debt relief under the HIPC Initiative without further policy conditions.	«Қарз даражаси юқори бўлган мамлакат» (ХИПК) ташаббусига қўшилган мамлакатнинг ХИПК қарорини қабул қилиш босқичида келишиб олинган энг муҳим тузилмавий ислохотларни, жумладан, қашшоқлик даражасини пасайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни муваффақиятли яқунлайдиган санаси. Шундан кейин мазкур мамлакатнинг асосий қарздорлик ҳажми ХИПК ташаббуси доирасида бирон-бир қўшимча сиёсий талабларсиз сезиларли даражада қисқартирилади.	«Бедная страна с высоким уровнем долга (ХИПК)», успешно завершает ключевые структурные реформы, согласованные на этапе принятия решения ХИПК, включая разработку и осуществление стратегии снижения уровня нищеты. После чего эта страна получает значительное сокращение основного объема задолженности в контексте инициативы ХИПК без каких-либо дополнительных политических требований.
134.	HIPC decision point — the date at which a heavily indebted poor country (HIPC) with an established track record of good performance under adjustment programmes supported by the International Monetary Fund and the World Bank commits, under the Debt Initiative for Heavily Indebted Poor Countries, to undertake additional	ХИПК ташаббуси, қарор қабул қилиш босқичи — қарздор камбағал мамлакат, ХВЖ ва Жаҳон банки томонидан қўллаб-қувватланаётган тузатиш киритиш дастури доирасида ўз зиммасига қўшимча ислохотларини амалга ошириш, шунингдек, қашшоқлик даражасини пасайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мажбуриятини олган сана.	ХИПК, инициатива, этап принятия решения — дата, когда бедная страна с крупной задолженностью, наработавшая хорошую историю обслуживания задолженности в контексте поддерживаемых МВФ и Всемирным банком программ корректировки, принимает на себя в соответствии с инициативой ХИПК обязательство осуществить дополнительные преобразования, а также разработать и

	English	Ўзбекча	Русский
	reforms and to develop and implement a poverty reduction strategy.		осуществить стратегию снижения уровня нищеты.
135.	HIV prevalence — the percentage of people aged 15 — 49 years who are infected with HIV.	ОИВ, тарқалиши — бу ОИВ билан касалланган 15 дан 49 ёшгача бўлган аҳоли фоизидир.	ВИЧ, распространение — процент ВИЧ-инфицированного населения в возрасте от 15 до 49 лет.
136.	Household - a small group of people living in the same territory, who join part or all of their income and property, and consume certain types of products and services, notably housing services and food; there are family and non-family households	Уй хўжалиги — ўз даромади ёки мол-мулкнинг бир қисмини ёки тўлиқлигича бирлаштирувчи ва маълум бир маҳсулот ва хизматларни, биринчи навбатда, уй хизматлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини биргаликда истеъмол қилувчи одамларнинг катта бўлмаган гуруҳи; оилавий ва оилавий бўлмаган уй хўжаликларга бўлинади.	Домашнее хозяйство — небольшая группа людей, проживающих в одном и том же жилище, объединяющих часть или весь свой доход и имущество и совместно потребляющих определенные типы продуктов и услуг, прежде всего жилищные услуги и продукты питания; различают семейные и несемейные домохозяйства
137.	Human capital - is formed from investments in human capabilities of the individual aggregate, due to a certain reserve of his knowledge, health, skills and abilities to work, that could increase productivity and increase revenues.	Инсон капитали — бу инсоннинг умри давомида йиғган билими, соғлиғи, касбий кўникмалари ва меҳнат қилиш қобилиятларининг мажмуи бўлиб, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва даромадларнинг ортишига сабаб бўлади.	Человеческий капитал — это сформированная в результатах вложений в человека совокупность способностей личности, обусловленная определенным запасом его знаний, здоровья, профессиональных навыков и способностей к труду, которые способствуют росту производительности труда и увеличению

	English	Ўзбекча	Русский
			ДОХОДОВ.
138.	<p>Human development — is the expansion of people’s freedoms to live long, healthy and creative lives; to advance other goals they have reason to value; and to engage actively in shaping development equitably and sustainably on a shared planet. People are both the beneficiaries and drivers of human development, as individuals and in groups. (Definition of Human development of the 2010 HDR)</p>	<p>Инсон тараққиёти — инсонларнинг узок, соғлом ва муносиб ижодий ҳаёт кечириш ва бошқа шу каби, уларнинг тасаввурларида қадриятга эга бўлган асосий мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган эркинликларнинг кенгайиш ҳамда ер юзида адолатлиликни таъминлаш ва барқарор ривожланиш йўлида амалга ошириладиган чора-тадбирларда фаол иштирок этиш жараёнидир. Кишилар — алоҳида ҳолда ҳам, гуруҳлар доирасида ҳам моддий ва маънавий маҳсулотларнинг истеъмолчиси ҳамда тараққиётнинг асосий кучи сифатида қаралади (Инсон тараққиёти тўғрисида маърузадаги таъриф, 2010).</p>	<p>Человеческое развитие — представляет собой процесс расширения свободы людей жить долгой, здоровой и творческой жизнью, на осуществление других целей, которые, по их мнению, обладают ценностью; активно участвовать в обеспечении справедливости и устойчивости развития на нашей общей планете. Люди — как индивидуально, так и в группах — одновременно являются и бенефициариями, и движущей силой развития. (Определение глобального доклада ЧР, 2010).</p>
139.	<p>Human development index (HDI) — a composite index measuring average achievement in a country in three basic dimensions of human development: A long and</p>	<p>Инсон тараққиёти Индекси (ИТИ) — инсон тараққиётини ривожлантиришнинг умумий кўрсаткичи. Муайян мамлакатда инсон тараққиёти қуйидаги энг муҳим учта элементида эришилган натижаларнинг</p>	<p>Индекс человеческого развития (ИЧР) — общий показатель человеческого развития. Измеряет средний уровень достижений данной страны в трёх важнейших аспектах человеческого развития: долгой и здоровой жизни, измеряемой ожидаемой при рождении</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>healthy life, measured by life expectancy at birth. Knowledge, measured by Mean of years of schooling and Expected years of schooling*. A decent standard of living measured by GDP per capita in purchasing power parity (PPP) in terms of US dollars.</p>	<p>ўртача даражасини ўлчайди: узоқ ва соғлом ҳаёт — туғилишда кутилади-ган умр кўриш узунлиги билан ўлчанади; билимлар олиш — таълим олишнинг ўртача давомийлик кўрсаткичи ва таълим олишнинг кутилаётган давомийлиги кўрсаткичларидан иборат; турмуш даражаси (ХҚТ АҚШ долларида) — аҳоли жон бошига ЯМД (ялпи миллий даромад) кўрсаткичи билан ўлчанади.</p>	<p>продолжительности жизни; знаниях, измеряемых с помощью показателя средней продолжительности обучения и показателя ожидаемой продолжительности обучения; достойном уровне жизни, измеряемом показателем ВНД (Валовой национальный доход) на душу населения (ППС в долл. США).</p>
140.	<p>Human Development Index, Inequality-adjusted — Human Development index value adjusted for inequalities in the three basic dimensions of human development: education, health and profit. The IHDI accounts for inequalities in HDI dimensions by “discounting” each dimension’s average value according to its level of inequality. The IHDI equals the HDI, when there is no inequality across people but is less than the HDI as inequality</p>	<p>Тенгсизликни ҳисобга олган инсон тараққиёти индекси (ТҲИТИ) — инсон тараққиётининг қуйидаги уч йўналиши, яъни таълим, соғлиқ ва даромад бўйича тенгсизликларнинг тақсимланиши инобатга олинган ҳолдаги инсон тараққиётининг умумий интеграл индекси. Бошқача қилиб айтганда, ТҲИТИ бу ютуқлар муайян мамлакат аҳолиси ўртасида қай тарзда тақсимлангани инсон тараққиётининг уч йўналишидан ҳар бирининг ўртача кўрсаткичидан маълум бир миқдор чиқариб ташлаш, яъни дисконтлаш йўли</p>	<p>Индекс человеческого развития, скорректированный с учетом неравенства (ИЧРН) — это интегральный индекс человеческого развития, скорректированный с учетом распределения неравенства по трем основополагающим измерениям человеческого развития: образование, здоровье и доход. То есть ИЧРН учитывает, как эти достижения распределены среди населения данной страны, путем «дисконтирования» среднего значения каждого измерения в соответствии с его уровнем неравенств.</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	rises.	билан ундаги тенгсизлик даражаси билан мувофиқ равишда ҳисобга олиб борилди.	
141.	Human Development Report (HDR) — independent report, produced annually since 1990, and published by UNDP. Featuring the Human Development Index, every report presents agenda-setting data and analysis and calls international attentions to issues and policy options that put people at the center of strategies to meet the challenges of development today - economic, social, political, and cultural.	Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза (ИТМ) — 1990 йилдан бошлаб ҳар йили чиқариладиган ва БМТТД томонидан чоп этиладиган мустақил ҳисобот. Ҳар бир ҳисобот инсон тараққиёти интеграл индекслари бўйича маълумотлар ва таҳлилларни акс эттирибгина қолмай, балки халқаро ҳамжамият эътиборини ҳозирги кундаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш билан боғлиқ бўлган чакирувларни бартараф қилиш учун ривожланиш стратегиясининг асосий мақсади сифатида инсон ва унинг манфаатларини олдинги ўринларга қўядиган воситалар ва сиёсатни танлашга даъват этади.	Доклад о человеческом развитии (ДРЧ) — независимый отчёт, выпускающийся ежегодно с 1990 года и публикующийся ПРООН. Каждый отчёт представляет собой данные по интегральным индексам человеческого развития и их анализ. Доклады о человеческом развитии призывают внимание международного сообщества к выбору именно таких стратегий развития, основной целью которых является человек и его интересы для преодоления экономических, политических и культурных вызовов сегодняшнего дня.
142.	Human expenditure ratio — the percentage of national income devoted to human priority concerns.	Инсон тараққиёти учун ажратилган харажатлар улуши — бу миллий даромаддан инсон ривожланишининг устувор йўналишларини амалга ошириш учун	Доля расходов на человеческое развитие — процентная доля национального дохода, выделяемая на реализацию приоритетов человеческого развития.

	English	Ўзбекча	Русский
		ажратиладиган харажатларнинг фоизидир.	
143.	<p>Human Immunodeficiency Virus Type 1 (HIV-1) — the retrovirus isolated and recognized as the etiologic (i.e. causing or contributing to the cause of a disease) agent of AIDS. HIV-1 is classified as a lentivirus in a subgroup of retroviruses. Most viruses and all bacteria, plants and animals have genetic codes made up of DNA, which is transcribed into RNA to build specific proteins. The genetic material of a retrovirus such as HIV is the RNA itself. The viral RNA is reverse transcribed into DNA, which is then inserted into the host cell's DNA preventing the host cell from carrying out its natural functions and turning it into an HIV factory.</p>	<p>Одам иммун танқислиги вируси (ОИВ-1) — ОИТС кўзғатувчиси ажратиб чиқарадиган ва этиологик, яъни касаллик чиқарувчи ёки касалликнинг келиб чиқишига имкон туғдирувчи ретровируслар турига мансуб бўлиб, у, яъни ОИВ-1 ретровирусларнинг кичик гуруҳидаги лентивирус сифатида таснифланади. Кўпчилик вируслар ва барча бактериялар, ўсимликлар ва ҳайвонлар ўзига хос оксилларни ҳосил қилиш учун РНК фойдаланиладиган ДНКдан иборат генетик кодларга эгадир. РНКнинг ўзи эса, ОИВ сингари ретровируснинг генетик материалдан иборат. ОИВ ДНК хўжайин-хужайрада ўзининг шахсий РНКсини ўрнатади ва шу орқали уни ОИВнинг ишлаб чиқарувчисига айлантириш баробарида, хўжайин-хужайранинг табиий вазифаларини издан чиқаради.</p>	<p>Вирус иммунодефицита человека-1 (ВИЧ-1) — ретровирус, выделяемый и считающийся этиологическим (т.е. вызывающим заболевание или способствующим возникновению заболевания) возбудителем СПИДа. ВИЧ-1 классифицируется как лентивирус в подгруппе ретровирусов. Большинство вирусов и все бактерии, растения и животные имеют генетические коды, состоящие из ДНК, которая использует РНК для создания специфических белков. Генетический материал ретровируса, такого как ВИЧ, составляет сама РНК. ВИЧ встраивает свою собственную РНК в ДНК клетки-хозяина, тем самым нарушая естественные функции клетки-хозяина и превращая ее в производителя ВИЧ.</p>
144.	<p>Human Immunodeficiency</p>	<p>2- одам иммун танқислиги вируси</p>	<p>Вирус иммунодефицита человека 2 (ВИЧ-</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>Virus Type 2 (HIV-2) — a virus closely related to HIV-1 that has also been found to cause AIDS. It was first isolated in West Africa. Although HIV-1 and HIV-2 are similar in their viral structure, modes of transmission and resulting opportunistic infections, they have differed in their geographical patterns of infection and in their propensity to progress to illness and death. Compared to HIV-1, HIV-2 is found primarily in West Africa and has a slower, less severe clinical course.</p>	<p>(ОИВ-2) — ОИВ-1 билан яқиндан боғлиқ бу вирус, аниқланишича, ОИТСни ҳам чиқаради. У дастлаб Ғарбий Африкада аниқланган эди. ОИВ-1 ва ОИВ-2 ўзининг вирусли тузилишига кўра, шунингдек, касалликнинг юқиши ва чиқарадиган оппортунистик инфекцияларига кўра бир-бирига ўхшаса ҳам, улар инфекцияларнинг географик ўзига хосликларига эга бўлиб, касалликнинг ривожланиши ҳамда ўлим ҳолатига кўра турлича. ОИВ-2 ОИВ-1га қараганда асосан Ғарбий Африкада учрайди ва суст ҳамда нисбатан оғир кечмайдиган клиник манзара касб этади.</p>	<p>2) — вирус, тесно связанный с ВИЧ-1, который, как установлено, также вызывает СПИД. Впервые он был выделен в Западной Африке. Несмотря на то, что ВИЧ-1 и ВИЧ-2 схожи по своей вирусной структуре, способу передачи и вызываемым оппортунистическим инфекциям, они имеют различные географические особенности инфекции и отличаются различной предрасположенностью к развитию заболевания и смерти. По сравнению с ВИЧ-1 ВИЧ-2 обнаруживается в основном в Западной Африке и имеет замедленное и менее тяжелое клиническое течение.</p>
145.	<p>Human Security (HS) — In the policy world, the Human Security (HS) concept was first coined by Mahbub Ul Haq and his team in the 1994 UNDP <i>Human Development Report</i> (HDR). In the 1994 HDR, HS was broadly defined as “freedom from fear”</p>	<p>Инсон хавфсизлиги (ИХ) — Инсон хавфсизлиги концепцияси биринчи бўлиб Махбуб ул- Ҳақ томонидан тақдим қилинган бўлиб, «муҳтожликда холилик» ва «кўрқувдан холилик» сифатида аниқланган ва «очарчилик, касаллик ва тушкунликдан сақланиш,</p>	<p>Человеческая безопасность (ЧБ) — Концепция человеческой безопасности впервые представлена Махбуб Уль-Хаком и определяется как «свобода от нужды» и «свобода от страха», характеризуется как «сохранность от голода, болезней и репрессий, так же как и защита от неожиданных и пагубных ситуаций в</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>and “freedom from want” and characterized as “safety from chronic threats such as hunger, disease, and repression as well as protection from sudden and harmful disruptions in the patterns of daily life — whether in homes, in jobs or in communities” (UNDP, 1994). The Report listed seven “components” or seven specific values of Human Security that needed to be protected: Economic, food, health, environmental, personal, community and political security. UNDP determine Human Security as “freedom from want”, “freedom from fear” and “life of dignity”, included development and human rights issues which important as traditional violence. Human security means:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Freedom from want, freedom from fear and a freedom to live in dignity 	<p>шунингдек, одатдаги турмушда, яъни уйда, ишда ёки жамиятда кутилмаган ва ҳалокатли ходисалардан ҳимояланишдир» (БМТ Тараққиёт Дастури, Инсон тараққиёти маърузаси, 1994).</p> <p>Маърузада инсон хавфсизлигининг етти тоифаси санаб ўтилган: иқтисодий хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, саломатлик хавфсизлиги, атроф-муҳит хавфсизлиги, шахсий хавфсизлик, ижтимоий хавфсизлик ва сиёсий хавфсизлик.</p> <p>БМТТД таърифи асосан инсон хавфсизлиги «муҳтожликдан холилик», «қўрқувдан холилик» ва «ўз қадр-қимматини ҳис қилиб турмуш кечириш» маъноларини англатади ва уларга асосланиб, хавфсизлик хатарлари билан бир қаторда ривожланиш ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш муаммоларига асосий эътиборни қаратади.</p> <p>Инсон хавфсизлиги қуйидаги</p>	<p>повседневной жизни в доме, на работе или в обществе» (Доклад о человеческом развитии, ПРООН, 1994). В докладе перечислены семь категорий человеческой безопасности: экономическая безопасность, продовольственная безопасность, безопасность здоровья, безопасность окружающей среды, личная безопасность, общественная безопасность и политическая безопасность. Согласно определению ПРООН, человеческая безопасность означает свободу от нужды, свободу от страха и жизнь с чувством собственного достоинства, придавая особую важность проблемам развития и уважения прав человека наряду с угрозами безопасности. Человеческая безопасность включает следующие составляющие:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Свобода от нужды, свобода от страха и жизнь с чувством собственного достоинства. 2. Предотвращение новых угроз, выходящих за рамки традиционных методов насилия. 3. Осознание того, что новая система безопасности не должна сосредотачиваться

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>2. The recognition of new threats beyond traditional tools of violence.</p> <p>3. The recognition of new system that should be beyond the state security (with emphasis on people and communities)</p> <p>4. The recognition of how development, human rights and security are interlinked</p> <p>5. The recognition that threats of people can be their survival (physical abuse, violence, persecution, or death), their livelihoods (unemployment, food insecurity, health threats, etc), and their dignity (lack of human rights, inequality, exclusion, discrimination, etc.).</p> <p>6. The recognition that these goals can be reached through policies that provide Protection, Provision and Empowerment.</p>	<p>таркибий қисмларни ўз ичига олади:</p> <p>1.Қашшоқликдан холилик, қўркувдан холилик ва ўз кадр-қимматини ҳис қилиб турмуш кечириш.</p> <p>2.Зулмнинг анъанавий услублари доирасидан чиқиб кетувчи янги таҳдидни бартараф қилиш.</p> <p>3.Хавфсизликнинг янги тизими фақатгина мамлакат хавфсизлигига қаратилмаслиги (инсонларга урғу бериш билан).</p> <p>4.Ривожланиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва хавфсизлик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.</p> <p>5.Инсонлар учун хавф-хатар уларнинг тириклиги учун (жисмоний эксплуатация, жабр-зулм, таъқиб, ўлим), ҳаёт кечириш учун (ишсизлик, саломатлик, хавф-хатар, озиқ-овқат тақчиллиги ва ҳ.к.) ва ўз қадрини билиш учун (инсон ҳақ-ҳуқуқларининг чеклаб қўйилиши, тенгсизлик, сегрегация (ирқий камситиш формаларидан бири), сиқиб чиқариш, камситиш ва ҳ.к.) га</p>	<p>только на государственной безопасности (с акцентом на людей).</p> <p>4. Тесная связь между развитием, правами человека и безопасностью.</p> <p>5. Осознание того, что угрозами для людей могут являться угрозы для их выживания (физическая эксплуатация, насилие, преследования, смерть), для существования (безработица, угрозы здоровья, нехватка продовольствия и т.д.) и для чувства собственного достоинства (ущемление человеческих прав, неравенство, сегрегация, вытеснение, дискриминация и т.д.).</p> <p>6. Достижение этих целей путем реализации мер, гарантирующих защиту, обеспечение и расширение возможностей людей.</p>

	English	Ўзбекча	Русский
		<p>тахдид ҳисобланиши мумкинлигини англаш.</p> <p>6.Одамларнинг имкониятларини таъминлайдиган ва кенгайтирадиган, уларнинг ҳимоясини кафолатлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан ушбу мақсадларга эришиш.</p>	

	English	Ўзбекча	Русский
146.	<p>Human poverty index for developing countries (HPI-1) — a composite index measuring <i>deprivations</i> in the three basic dimensions captured in the human development index: A long and healthy life—vulnerability to death at relatively early age, as measured by the probability at birth of not surviving to age 40 Knowledge—exclusion from the world of reading and communications, as measured by the adult literacy rate A decent standard of living—lack of access to overall economic provisioning, as measured by the unweighted average of two indicators, the percentage of the population not using and improved water source and the percentage of children under weight-for-age.</p>	<p>Ривожланаётган мамлакатлар учун аҳоли қашшоқлиги индекси (АҚИ-1) — АҚИ-1 таркибий индекс бўлиб, инсон тараққиёти индексининг қуйидаги учта асосий йўналиши бўйича йўқотишлар кўламини ўлчайди: а) узок ва соғлом умр кўриш — нисбатан ёш чоғида ўлим олдидаги ҳимоясизлик кўринишида бўлган, туғилишида 40 ёшгача умр кўрмаслиги кутилаётган аҳоли улуши билан ўлчанади; б) билимлар — китоб ўқиш ҳамда мулоқотлар оламидан ажралиб қолган кўринишда бўлган, катта ёшдаги аҳолининг саводсизлик даражаси билан ўлчанади; в) муносиб турмуш даражаси — умумий иқтисодий ресурслардан фойдаланиш имкониятининг мавжуд эмаслиги кўринишида бўлган қуйидаги икки кўрсаткичнинг, яъни тозаланган сув манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган аҳоли улуши ҳамда вазни ёшига қараганда кам бўлган болалар улушларининг ўртача миқдори сифатида ўлчанади.</p>	<p>Индекс нищеты населения для развивающихся стран (ИНН-1) — ИНН-1, составной индекс, измеряющий масштабы лишений по трем основным направлениям индекса человеческого развития: а) долгая и здоровая жизнь — в виде уязвимости перед смертью в сравнительно раннем возрасте, измеряемой долей населения, которая, как ожидается при рождении, не доживёт до 40 лет; б) знания — в виде изоляции от мира чтения и коммуникаций, измеряемой уровнем неграмотности взрослого населения; в) достойный уровень жизни — в виде отсутствия доступа к общим экономическим ресурсам, измеряемого как среднее невзвешенное двух показателей: доли населения, не имеющего доступа к улучшенным источникам воды, и доли детей с пониженной для своего возраста массой тела.</p>

	English	Ўзбекча	Русский
147.	<p>Human poverty index for selected high-income OECD countries (HPI-2) — a composite index measuring deprivations in the same three basic dimensions as the HPI-1 and also capturing social exclusion. Thus it reflects deprivation in four dimensions: A long and healthy life—vulnerability to death at relatively early age, as measured by the probability at birth of not surviving to age 60 Knowledge—exclusion from the world of reading and communications, as measured by the percentage of adults (ages 16-65) lacking functional literacy skills. A decent standard of living—as measured by the percentage of people living below the income poverty line (50% of the median adjusted household disposable income). Social exclusion—as measured by the rate of long-term</p>	<p>ИХРТнинг танланган юқори даромадли аъзо-мамлакатлари учун аҳоли қашшоқлиги индекси (АҚИ-2) — АҚИ-2 айнан АҚИ-1 даги каби элементлар бўйича йўқотишлар даражасини ўлчаш имкониятини беради, лекин шу билан бирга, бунда, ижтимоий ажралиб қолишни ҳам ҳисобга олинади. Шундай қилиб, у тўртта элемент бўйича йўқотишлар даражасини акс эттиради: а) узок ва соғлом умр кўриш — нисбатан ёш чоғида ўлим олдидаги ҳимоясизлик кўринишида бўлган, туғилишида 60 ёшгача умр кўрмаслиги кутилаётган аҳоли улуши билан ўлчанади; б) билимлар — китоб ўқиш ва мулоқотлар оламидан ажралиб қолиш кўринишида бўлган, катта ёшдаги (16—65) аҳолининг саводсизлик даражаси билан ўлчанади; в) муносиб турмуш даражаси — даромадлари бўйича камбағаллик чегарасидан қуйида яшаётган (уй-рўзғор хўжалигининг ўз ихтиёридаги даромадининг медиан</p>	<p>Индекс нищеты населения для выбранных стран-членов ОЭСР с высоким уровнем дохода (ИНН-2) — ИНН-2, позволяет измерить уровень лишений по тем же элементам, что и ИНН-1, но при этом также учитывает социальную изоляцию. Таким образом, он отражает уровень обездоленности по четырём элементам: а) долгая и здоровая жизнь — в виде уязвимости перед смертью в сравнительно раннем возрасте, измеряемой долей населения, которая, как ожидается при рождении, не доживёт до 60 лет; б) знания — в виде изоляции от мира чтения и коммуникаций, измеряемой долей взрослого (16-65) функционально неграмотного населения; в) достойный уровень жизни, измеряемый долей населения, живущей ниже черты бедности по доходам (50% от приведённого медианного значения дохода, которым располагает домохозяйство); Социальная изоляция, измеряемая уровнем застойной безработицы (в течение 12 или более месяцев);</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	unemployment (12 months or more).	кўрсаткичидан 50 фоизини ташкил этади) аҳоли улуши билан ўлчанади. Ижтимоий ажратиб қўйилиш — узок муддатдаги ишсизлик даражаси (12 ой давомида ёки ундан ортиқ) билан ўлчанади.	
148.	I		
	Illiteracy rate, adult — calculated as 100 minus the adult literacy rate.	Катта ёшдаги аҳолининг саводсизлик даражаси — 100 деб олинган миқдордан катта ёшдаги саводхон аҳоли фоизи чиқариб ташланади.	Уровень неграмотности взрослого населения — при расчете из 100 вычитают процент грамотного взрослого населения.
149.	IAEA (International Atomic Energy Agency) — established in 1957, operates under contract with the UN, but it is not its specialized agencies. The IAEA has a program on "Nuclear safety and environmental protection, which covers all matters relating to the construction and operation of nuclear power plants, production and enrichment of radioactive elements agreed with him.	МАГАТЭ (Халқаро атом энергияси агентлиги) — 1957 йили ташкил топган ушбу Агентлик ўз фаолиятини БМТ билан шартнома асосида олиб боради, аммо ўзи унинг ихтисослашган ташкилоти ҳисобланмайди. МАГАТЭ «Ядро хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» дастурини амалга оширади. Атом энергетикаси объектларини куриш ва фойдаланиш, радиоактив элементларни ишлаб чиқариш ва бойитиш билан боғлиқ	МАГАТЭ (Международное агентство по атомной энергии) — учреждено в 1957 г. Осуществляет свою деятельность по договору с ООН, но не является ее специализированным учреждением. МАГАТЭ осуществляет программу «Ядерная безопасность и защита окружающей среды». Все вопросы, касающиеся строительства и эксплуатации объектов атомной энергетике, производства и обогащению радиоактивных элементов согласовывается с ним.

	English	Ўзбекча	Русский
		бўлган барча масалалар бу ташкилот билан келишилган ҳолда ҳал этилади.	
150.	<p>Immunization, one-year-olds fully immunized against measles or tuberculosis — one-year-olds injected with an antigen or a serum containing specific antibodies against measles or tuberculosis.</p>	<p>Эмлаш: қизамиқ ва сил касаллигига қарши тўлиқ эмланган бир ёшдаги болалар — бу таркибида қизамиқ ва силга қарши махсус таначалар бўлган антиген ёки зардобли эмлашни олган 1 ёшдаги болалар сонидир.</p>	<p>Вакцинация: годовалые дети, полностью вакцинированные против кори и туберкулеза — это количество детей в возрасте 1 года, получившие антигенную или сывороточную прививку с содержанием специфических антител против кори и туберкулеза.</p>
151.	<p>Imports of goods and services — the value of all goods and other market services received from the rest of the world. Included is the value of merchandise, freight, insurance, transport, travel, royalties, licence fees and other services, such as communication, construction, financial, information, business, personal and government services. Excluded are labour and property income and transfer payments.</p>	<p>Товарлар ва хизматлар импорти — мамлакатнинг бошқа юртлардан сотиб олган барча товарлар ва хизматларнинг бозор нархидаги қиймати бўлиб, бу тушунча товарлар қиймати, кемада юк ташиш ҳақи, суғурталаш, транспорт, сафарлар, роялти, лицензия тўловлари, бошқа шунга ўхшаш хизмат турларини, яъни алоқа, қурилиш, молия, ахборот, бизнес, тадбиркорлик, хусусий ва ҳукумат хизматлари қийматларини ҳам ўз ичига олади. Меҳнат ва мулкдан олинган даромад ҳамда трансферт тўловлари бундан мустасно.</p>	<p>Импорт товаров и услуг — стоимость всех товаров и рыночных услуг, покупаемых в других странах мира, включая стоимость товаров, фрахт, страхование, транспорт, поездки, роялти, лицензионные выплаты и такие другие виды услуг, как связь, строительство, финансы, информация, бизнес, частные и правительственные услуги. За исключением доходов от труда и собственности, а также трансфертных платежей.</p>
152.	<p>Income or consumption, shares of income —</p>	<p>Истеъмол даражаси даромад улуши сифатида —</p>	<p>Уровень потребления как доля от дохода —</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>the shares of consumption accruing to subgroups of population indicated by deciles or quintiles, based on national household surveys covering various years. Consumption surveys produce results showing lower levels of inequality between poor and rich than do income surveys, as poor people generally consume a greater share of their income. Because data come from surveys covering different years and using different methodologies, comparisons between countries must be made with caution.</p>	<p>қатор йиллар давомида уй хўжалиқларининг миллий шарҳи натижаларига кўра, аҳолининг децил ёки квинтил кичик гуруҳларининг даромад ҳиссасидаги истеъмол ҳажми тушунилади. Даромадларни шарҳлаш натижаларига кўра, истеъмолни шарҳлаш натижалари бойлар билан камбағаллар, ўртасидаги тенгсизлик даражасининг камроқлигидан далолат беради, чунки камбағаллар, одатда, ўз даромадларининг катта қисмини истеъмол қиладилар. Мазкур шарҳлардаги маълумотлар турли усуллардан фойдаланиш натижасида олинганлиги ва бир неча йиллик даврни қамраб олиши боис, мамлакатлар ўртасидаги таққослашни эҳтиёткорлик билан амалга ошириш лозим.</p>	<p>часть дохода, приходящаяся на долю потребления, по децильным или квинтильным подгруппам населения, рассчитанная по результатам национальных обзоров домохозяйств за несколько лет. Результаты обследований структуры потребления (потребительских расходов) свидетельствуют о более низком уровне неравенства между бедными и богатыми, по сравнению с результатами обследований по доходам, поскольку бедные, как правило, потребляют большую часть своих доходов. Поскольку данные обзоров охватывают период в несколько лет и получены в результате использования различных методик, сопоставления между странами следует проводить осторожно.</p>
153.	<p>Income poverty line, population below — the percentage of the population living below the specified poverty line: ➤ US\$1 a day—at 1985</p>	<p>Камбағаллик чегараси, нисбий камбағаллик чегарасидан қуйида яшаётган аҳоли — расмий камбағаллик чегарасидан қуйида яшаётган аҳолининг фоизлардаги улушига тааллуқлидир:</p>	<p>Черта бедности, население, живущее ниже черты относительной бедности — относится к процентной доле населения, живущей ниже официальной черты бедности (по следующим критериям): ➤ 1 доллар США в день — в</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>international prices (equivalent to US\$1.08 at 1993 international prices), adjusted for purchasing power parity.</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ US\$2 a day—at 1985 international prices (equivalent to US\$2.15 at 1993 international prices), adjusted for purchasing power parity ➤ .US\$4 a day—at 1990 international prices, adjusted for purchasing power parity ➤ US\$11 a day (per person for a family of three)—at 1994 international prices, adjusted for purchasing power parity. <p>National poverty line—the poverty line deemed appropriate for a country by its authorities. National estimates are based on population-weighted subgroup</p>	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Кунига 1 АҚШ доллари — 1985 йилги халқаро нархларда берилган бўлиб, АҚШ долларининг харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган (1993 йилги халқаро нархларда 1,08 АҚШ долларига тенг ёки 2005 йилги халқаро нархларда 1,25АҚШ долларига тенг). ➤ Кунига 2 АҚШ доллари — 1985 йилги халқаро нархларда берилган бўлиб, АҚШ долларининг харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган (1993 йилги халқаро нархларда 2,15 АҚШ долларига тенг). Кунига 4 АҚШ доллари — 1990 йилги халқаро нархларда берилган бўлиб, АҚШ долларининг харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган. ➤ Кунига 11 АҚШ доллари — 1994 йилги халқаро нархларда берилган бўлиб, АҚШ долларининг харид қобилияти 	<p>международных ценах 1985 года (равный 1,08 доллару США в международных ценах 1993 года или 1.25 доллару США в международных ценах 2005 года), и скорректированный с учетом ППС в долларах США.</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ 2 доллара США в день — в международных ценах 1985 года (равный 2,15 долларам США в международных ценах 1993 года), скорректированных с учетом ППС в долл. США. ➤ 4 доллара США в день — в международных ценах 1990 года, скорректированных с учетом ППС в долл. США. ➤ 11 доллара США в день (на человека для семьи из трех человек) — в международных ценах 1994 года, скорректированных с учетом ППС в долл. США. <p>Национальная черта бедности – черта бедности, которая официально принята в данной стране.</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>estimates from household surveys.50% of median income—50% of the median adjusted disposable household income.</p>	<p>паритети бўйича ҳисобланган (уч кишидан иборат бўлган оиланинг ҳар бир аъзоси учун). Миллий камбағаллик чегараси — бу мазкур давлат томонидан расмий мақбул деб ҳисобланган камбағаллик чегарасидир. Миллий даражадаги баҳолаш кўрсаткичлари ўз хўжаликлари даромадларини шарҳлаш натижаларига кўра аҳоли кичик гуруҳларини тадқиқ қилиши асосида амалга оширилган. Масалан, Медиан даромаднинг 50 фоизи — уй хўжаликлари ихтиёридаги медиан даромаднинг 50 фоизи.</p>	<p>Национальные оценки основаны на взвешенных оценках подгрупп населения на основе обзоров доходов домохозяйств. Например, 50% медианного дохода – 50% медианного располагаемого дохода домохозяйства.</p>
<p>154.</p>	<p>Income poverty line, population below — ➤ percentage of the population living below the specified poverty line (PPP \$1.25 a day and the national poverty line). The national poverty line is the poverty line deemed appropriate for a country by its authorities. National estimates are</p>	<p>Даромад бўйича камбағаллик чегарасидан қуйи даражада яшовчи аҳоли — белгиланган камбағаллик чегараси (миллий камбағаллик чегараси ва кунига ХҚҚ бўйича 1,25 доллар)дан қуйи даражада яшовчи аҳоли фоизидир. Миллий камбағаллик чегараси — бу мамлакат ҳукумати томонидан расмий тан олинган камбағаллик чегарасидир. Миллий баҳолаш уй хўжаликларини</p>	<p>Население, живущее ниже черты бедности по доходам — процент населения, живущего ниже установленной черты бедности (1,25 долл. США в день по ППС и национальная черта бедности). Национальная черта бедности — это черта бедности, официально признанная в стране ее властями. Национальные оценки основаны на взвешенных по долям населения оценках по подгруппам, взятых из обследований домохозяйств.</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	based on population-weighted subgroup estimates from household surveys.	таҳлил қилиш доирасида олинган ва тадқиқотлар натижаларига кўра кичик гуруҳлар бўйича ҳисоблаб чиқарилган аҳоли улушларига асосланади.	
155.	Infant mortality ratio — indicator of the probability of death in the first year of life. Reflects the number of deaths per year among infants under one year per 1,000 live births.	Гўдақлар ўлими коэффициенти — бир ёшгача бўлган гўдақлар ўлимининг эҳтимоли кўрсаткичидир. Ҳар 1000 нафар тирик туғилган гўдақлар сонига тўғри келган бир ёшга етмай нобуд бўлган гўдақлар сони.	Коэффициент младенческой смертности — показатель вероятности смерти в первый год жизни. Отражает число случаев смерти за год среди младенцев в возрасте до года на 1000 живорождений.
156.	Informal sector — the informal sector, as defined by the International Expert Group on Informal Sector Statistics (the Delhi Group) includes private unincorporated enterprises (excluding quasi-corporations), which produce at least some of their goods and services for sale or barter, have less than five paid employees, are not registered, and are engaged in nonagricultural activities (including professional or technical activities). Paid domestic employees are excluded	Норасмий сектор — норасмий сектор статистикаси бўйича Халқаро экспертлар гуруҳи (Деҳли гуруҳи) таърифига кўра, норасмий сектор - бу ўз маҳсулотлари ёки хизматларининг бир қисмини сотиш ёки айирбошлаш учун ишлаб чиқарган, 5 нафардан кам ёлланма ишчиси бўлган ва лицензияси мавжуд бўлмаган, ўз фаолиятини (шу жумладан, профессионал ва техник хусусиятли фаолиятини) ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида амалга оширадиган хусусий корхоналардир (квази-корпорациялардан ташқари). Уй-рўзгор	Неофициальный сектор — неофициальный сектор, по определению Группы международных экспертов по статистике неофициального сектора (Делийская группа) включает частные некорпорированные предприятия (за исключением квази- корпораций), по крайней мере часть своей продукции или услуг производящие для продажи или обмена, имеющие менее 5 наемных служащих, не имеющие лицензии, осуществляющие деятельность (в т. ч. профессионального и технического характера) в несельскохозяйственных отраслях. Наемные работники, занятые в качестве домашней

	English	Ўзбекча	Русский
	from this category.	ишларида банд бўлган уй хизматчилари агар улар ёлланма ишчилар бўлсалар мазкур тоифага кирмайдилар.	прислуги не входят в эту категорию.
157.	Informal sector, employment in, as a percentage of nonagricultural employment — refers to the ratio of total employment in the informal sector to total employment in all nonagricultural sectors.	Норасмий сектордаги бандлик даражаси ноқишлоқ хўжалиги секторида банд бўлган аҳолининг фоизи сифатида — мамлакат ичидаги норасмий секторда банд бўлган аҳоли умумий сонининг барча қишлоқ хўжалиги тармоқларидан ташқари қолган барча тармоқларда банд бўлганларнинг умумий сонига нисбатини ифодалайди.	Уровень занятости в неофициальном секторе, как процент занятого населения в несельскохозяйственном секторе — выражает процентное соотношение общего числа занятого населения в данной стране в неофициальном секторе к общему числу занятых во всех несельскохозяйственных отраслях.
158.	Intergovernmental Panel on Climate Change (IPCC) — is a scientific intergovernmental body tasked with reviewing and assessing the most recent scientific, technical and socio-economic information produced worldwide relevant to the understanding of climate change. The panel was first established in 1988 by the World Meteorological Organization (WMO) and the	Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи (ИПСС) — техноген омиллар (инсоният фаолияти томонидан) сабабли иқлимнинг глобал ўзгариши riskини баҳолаш учун (43/53 БМТ Бош Ассамблеяси Резолюцияси тасдиқлаган) БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури (УНЕП) ва Бутунжаҳон метеорологик ташкилот (WMO) томонидан 1988 йил 6 декабрида асос солинган гуруҳдир. 2007 йил 12	Межправительственная группа экспертов по изменению климата (МГЭИК) — организация, основанная 6 декабря 1988 года Всемирной метеорологической организацией (ВМО) и Программой ООН по окружающей среде (ЮНЕП) (утверждена Резолюцией ГА ООН 43/53) для оценки риска глобального изменения климата, вызванного техногенными факторами (действия человека). Вместе с Альбертом Гором получила Нобелевскую премию мира 12 октября 2007 года.

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>United Nations Environment Programme (UNEP), two organizations of the United Nations—an action confirmed on 6 December 1988 by the United Nations General Assembly through Resolution 43/53. The IPCC shared the 2007 Nobel Peace Prize with former Vice President of the United States Al Gore.</p>	<p>октябрда тинчлик бўйича Альберт Гор билан бирга Нобель мукофотига сазовор бўлган.</p>	
159.	<p>International Monetary Fund (IMF) — multilateral financial institution set up by the Bretton Woods Agreement of 1944, signed by representatives of 44 countries. The fund was established to encourage international cooperation in the monetary field and the removal of foreign exchange restrictions. It aims to stabilize exchange rates and to facilitate a multilateral payments system between member countries.</p>	<p>Халқаро Валюта Жамғармаси (ХВЖ) — 1944 йилда БМТнинг Молиявий ва пул масалалари бўйича конференцияси якунлари бўйича Бреттон-Вуд келишувига биноан 44 та давлат томонидан таъсис этилган молиявий ташкилотдир. Таъсис хужжатларига кўра ХВЖга молиявий соҳадаги халқаро ҳамкорликка ёрдам бериш, хорижий валюталар айирбошлашдаги тўсиқларни бартараф қилиш, айирбошлаш курсларини барқарорлаштириш ва аъзо давлатлар ўртасида кўп томонлама тўловларни таъминлаш вазифаси</p>	<p>Международный Валютный Фонд (МВФ) — многосторонняя финансовая организация, созданная в 1944г. в соответствии с Бреттон-Вудским соглашением, подписанным представителями сорока четырех государств по итогам заседания Конференции ООН по денежным и финансовым вопросам. Согласно учредительным документам, МВФ призван способствовать международному сотрудничеству в финансовой сфере, устранению ограничений в обмене иностранных валют, стабилизации обменных курсов и обеспечению системы</p>

	English	Ўзбекча	Русский
		юклатилган.	многосторонних платежей между странами-членами
160.	Internet users — people with access to the worldwide network.	Интернет тармоғидан фойдаланувчилар — Интернетдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган аҳоли.	Пользователи сети Интернет — население с доступом к Интернет-ресурсам.
161.	J		
	Justice — expanding equity, sustaining outcomes over time and respecting human rights and other goals of society. Justice one of the three human development’s components: include well-being, empowerment and agency. (Human Development Report 2010, 20th Anniversary Edition, The Real Wealth of Nations: Pathways to Human Development).	Адолатлилик — адолатлилик қуйидаги тамойилларни амалга оширишни англатади: ижтимоий тенгликнинг келажак авлод учун барқарорлигини таъминлаш, ҳамда инсон ҳуқуқлари ва жамиятнинг бошқа мақсадларини ҳурмат қилиш (Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза, 2010, БМТТД, The Real Wealth of Nations: Pathways to Human Development). Адолат инсон тараққиёти концепциясининг фаровонлик, ҳуқуқ ва эркинликларнинг кенгайиши ҳамда агентлигидан ташкил топган уч таркибий қисмлардан биридир.	Справедливость — означает реализацию следующих принципов: повышение социальной справедливости, обеспечение устойчивости результатов во времени, уважение прав человека и других целей общества (Глобальный доклад о человеческом развитии «Реальное богатство народов: пути к развитию человека», 2010). Справедливость один из трех компонентов человеческого развития, включая благосостояние, а также расширение прав и агентность.
162.	K		
	Kyoto Protocol — is a protocol to the United Nations	Киото протоколи — глобал ҳаво ҳароратининг ошишига	Киотский протокол — международный документ, принятый в Киото

	English	Ўзбекча	Русский
206.	Population, total — refers to the de facto population in a country, area or region as of 1 July of the year indicated.	Аҳоли, жами — Маълум йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, мамлакат, вилоят ёки минтақа аҳолисининг амалдаги сони.	Население, всего — Фактическая численность населения страны, области или региона по состоянию на 1 июля указанного года.
207.	Population, urban — refers to the de facto population living in areas classified as urban according to the criteria used by each area or country. Data refer to 1 July of the year indicated. See Population, total.	Шаҳар аҳолиси — ҳар бир минтақа ёки мамлакатда ўрнатилган мезонларга мувофиқ, шаҳар деб белгиланадиган жойда яшаётган аҳолининг амалдаги сони назарда тутилади. Кўрсатилган йилнинг 1 июль ҳолатига кўра олинган маълумотлар назарда тутилади (Қаранг: <i>Аҳоли</i> ,	Население, городское — фактическая численность населения, проживающего в местности, определяемой как город, в соответствии с критериями, установленными в каждом регионе или стране. Имеются в виду данные на 1 июля каждого указанного года. См. Население, общая численность.

	English	Ўзбекча	Русский
		<i>умумий сони).</i>	
208.	Population, Density — is a number of residents per unit area of the country or region.	Аҳоли зичлиги — Мамлакат ёки регион бирлигига тўғри келадиган аҳоли сони.	Плотность населения — число жителей на единицу площади страны или региона.
209.	Poverty — characteristic of the economic situation of the individual or social group in which they cannot meet the minimum requirements for a certain range necessary for life.	Камбағаллик — ижтимоий гуруҳ ёки индивиднинг ҳаёт учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларини қондира олмаслигининг иқтисодий шароитини акс эттирувчи хусусият.	Бедность — характеристика экономического положения индивида или социальной группы, при котором они не могут удовлетворить определённый круг минимальных потребностей необходимых для жизни.
210.	Poverty, absolute — number of persons or households whose level of consumption or income below the poverty line.	Камбағаллик, мутлақ — камбағаллик чегарасидан кам бўлган истеъмол ёки даромад даражасига эга бўлган аҳоли ёки уй хўжаликлари сони.	Бедность, абсолютная — количество людей либо домохозяйств, уровень потребления или дохода которых ниже черты бедности.
211.	Poverty, deprivation approach — here the poor are individuals whose consumption does not meet accepted standards in society that do not have access to a specific set of goods and services. That is, this approach poverty is not only insufficient income or low consumption of goods and	Камбағаллик, депривацион ёндашув — муайян жамоат меъёрларида қабул қилинган маълум хизматлар ва неъматлар тўпламлигининг истеъмолидан маҳрум бўлган индивидлар камбағал деб ҳисобланади. Депривацион ёндашув бўйича камбағаллик тушунчаси нафақат ҳаёт учун зарур бўлган энг кам	Бедность, депривационный подход — бедными считаются индивиды, чьё потребление не соответствует принятому в обществе стандарту, у которых нет доступа к определённому набору благ и услуг. То есть при данном подходе бедность определяется не только недостаточным доходом или низким потреблением товаров и услуг первой необходимости, но и низкокачественным питанием, недоступностью услуг

	English	Ўзбекча	Русский
	essential services, but low quality food, lack of education and health services, inadequate housing conditions, and so on.	эҳтиёжларини қондира олмаслилик ва даромадларнинг етишмовчилигини, балки сифатсиз овқатланиш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланолмаслилик ҳамда муқобил уй шароитларига эга бўлмаслилик каби шароитларни ҳам ўз ичига олади.	образования и здраво-охранения, отсутствием нормальных жилищных условий и прочее.
212.	Poverty, relative — supposes a certain percentage of poor individuals or households (for example, 10%, 20%, 30%, etc.) or the binding of poverty to the middle, or median income in the country.	Камбағаллик, нисбий — камбағал аҳолининг маълум фоизини (масалан, 10%, 20%, 30%) ёки мамлакат аҳолиси ва уй хўжаликларининг ўртача ёки медиана даромад даражасига нисбатан камбағаллик чегарасини белгилайди.	Бедность, относительная — предполагает установление определенной доли бедных граждан или домашних хозяйств (например, 10%, 20%, 30% и т.д.) или привязку черты бедности по отношению к среднему, или медианному, уровню доходов по стране.
213.	Poverty, subjective — is a concept in which the individual himself can determine whether he is poor. Respondents are asked to answer some questions (for example, about whether they consider themselves poor). The participants, who gave positive answers, refer to the poor.	Камбағаллик, субъектив — бу концепция бўйича, индивиднинг ўзи камбағал эканлигини аниқлайди. Респондентлардан маълум саволлар тўпламига жавоб бериш талаб этилади (масалан, сўралувчи шахс ўзини камбағал деб ҳисоблайдими). Ижобий жавоб берган иштирокчилар камбағал деб ҳисобланади.	Бедность, субъективная — это концепция бедности, при которой сам индивид может определить, беден ли он. Респондентам предлагается ответить на ряд вопросов (например, о том, считают ли они себя бедными). Участники, давшие положительные ответы, относятся к категории бедных.
214.	Poverty gap — the aggregate shortfall of the	Камбағаллик бўйича узилиш (нормувофиклик) —	Разрыв по бедности — совокупное значение дефицита расходов или

	English	Ўзбекча	Русский
	expenditure or income of poor households from the poverty line.	моддий ночор уй хўжаликлари харажатлари ёки даромадлари тақчиллигининг камбағаллик чегарасига нисбатан умумий миқдори.	доходов неимущих домохозяйств от черты бедности.
215.	Poverty map — a tool for presenting data and achieving effective and targeted policy advocacy. Small-area estimation techniques are used to produce poverty estimates for small communities, from 1,000 households to 5,000 households. The maps highlight areas where poverty is concentrated. They are often based on indices of welfare that combine information from the census, such as access to water, electricity or sanitation, or education levels.	Камбағаллик харитаси — маълумотларни тақдим этиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий чораларнинг самарадорлиги ва манзиллигини таъминлаш воситаси. Кичик ҳудудларга мўлжалланган баҳолаш усулларида кичик жамоаларнинг (1000 дан 5000 тагача бўлган уй хўжаликлари) камбағаллик даражаси баҳоларни шакллантиришда фойдаланилади. Улар, кўпинча, ўзида аҳолини рўйхатдан ўтказиш натижалари ҳақидаги, масалан, сувдан, электр энергиясидан ёки канализациядан фойдаланишнинг имконлилиги ёки таълим даражаси тўғрисидаги маълумотларни жамлаган фаровонлик индексларига асосланган.	Карта бедности — инструмент представления данных и обеспечения эффективности и адресности принимаемых социально-экономических мер. Методы оценки для малых территорий используются для формирования оценок бедности малых общин (от 1000 до 5000 домохозяйств). Они часто основываются на индексах благосостояния, объединяющих в себе информацию переписи населения, например, о доступе к воде, электроэнергии или канализации, или об уровне образования.
216.	PPA (participatory poverty assessments) — a method of using participatory	Камбағалликнинг партиципатор баҳолари (КПБ) — камбағалликнинг кишилар ўзларининг	ПОБ (партиципаторные оценки бедности) — метод использования партиципаторных

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>research methodologies to capture qualitative dimensions of poverty, such as people’s perceptions of powerlessness and social exclusion. PPAs are useful tools for involving poor people and their institutions in defining and analysing what constitutes poverty, and what should be done to address it.</p>	<p>чорасизлиги ва ижтимоий камситилишини қабул қилишини назарда тутадиган сифатий жиҳатларини қайд этиш учун партиципатор тадқиқотлар усулидан фойдаланиш методи. Камбағаллик даражаси ва уни бартараф этиш учун қандай чора- тадбирлар кўриш зарур эканлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун аҳолининг йўқсил, ночор қатламлари ва уларнинг жамоаларини жалб қилишда КПБ жуда фойдали воситалардир.</p>	<p>методик исследования для фиксации качественных аспектов бедности, включая восприятие людьми собственного бессилия и социальной дискриминации. ПОб являются полезными инструментами вовлечения неимущих и их институций в анализ бедности, и определяемые необходимых мер для её устранения.</p>
217.	<p>PPP (purchasing power parity) — a rate of exchange that accounts for price differences across countries, allowing international comparisons of real output and incomes. At the PPP US\$ rate (as used in this Report), PPP US\$1 has the same purchasing power in the domestic economy as US\$1 has in the United States.</p>	<p>Харид қобилияти паритети (ХҚП, АҚШ долларида) — мамлакатлараро нархлар ўртасидаги фарқни акс эттирувчи ҳамда ишлаб чиқариш ва даромадларнинг реал кўрсаткичларини халқаро таққослаш имконини берувчи айирбошлаш курсидир. АҚШ доллари курсининг ХҚП ни ҳисобга олган ҳолда, ХҚП бўйича 1 АҚШ доллари маълум бир мамлакатнинг ички иқтисодиёти шароитидаги худди АҚШдаги 1 АҚШ</p>	<p>Паритет покупательной способности (ППС в долл. США) — обменный курс, отражающий ценовую разницу в зависимости от страны и позволяющий осуществлять международные сопоставления реальных показателей производства и доходов. С учетом курс доллара США по ППС, 1 доллара США имеет такую же покупательную способность в условиях внутренней экономики какой-либо страны, как и 1 доллар США в Соединённых Штатах Америки.</p>

	English	Ўзбекча	Русский
		долларига тенг харид қобилиятига эга бўлади.	
218.	<p>Primary Health Care (PHC) — primary health care is essential health care made accessible at a cost a country and community can afford, with methods that are practical, scientifically sound and socially acceptable.</p>	<p>Бирламчи тиббий ёрдами — илмий ва амалий жиҳатдан асосланган, шунингдек, ижтимоий мақбул усуллар асосида тиббий ёрдамнинг барча харажатларининг мамлакат ва унинг аҳолиси учун имконият даражасида бўлган асосий бир тури.</p>	<p>Первичная медицинская помощь — является основным видом оказываемой медицинской помощи, которая доступна для населения страны с учетом стоимости затрат на основе использование практических, научно обоснованных, а также социально приемлемых методов.</p>
219.	<p>Private flows, other — a category combining non-debtcreating portfolio equity investment flows (the sum of country funds, depository receipts and direct purchases of shares by foreign investors), portfolio debt flows (bond issues purchased by foreign investors) and bank and trade-related lending (commercial bank lending and other commercial credits).</p>	<p>Хусусий сармояларнинг кириб келиши, бошқалар — қарздорликнинг ҳосил бўлишига олиб келмайдиган портфель сармоялари оқимлари (мамлакатнинг давлат фондлари суммаси, депозит гувоҳномалари ва қимматли қоғозларнинг чет эл инвесторлари томонидан тўғридан-тўғри сотиб олиниши), портфель қарздорлик оқими (чиқарилган облигацияларнинг чет эл инвесторлари томонидан харид қилиниши), шунингдек, банк ва савдо кредитлари (тижорат банклари кредитлари ва бошқа тижорат</p>	<p>Поступления частных инвестиций, прочие — категория, в которую входят не ведущие к образованию задолженности потоки портфельных инвестиций (сумма государственных фондов страны, депозитные свидетельства и прямые закупки ценных бумаг иностранными инвесторами), поток портфельной задолженности (закупка иностранными инвесторами выпусков облигаций), а также банковские и торговые кредиты (кредиты коммерческих банков и другие коммерческие кредиты).</p>

	English	Ўзбекча	Русский
		кредитлари) дан иборат сармоялар тоифаси.	
220.	Privatization — the process of denationalization the means of production, or a lawful transferring of property from state ownership to non-state. In broad terms, it stands for the realization of complex legal and institutional measures aiming to denationalize the economy as a whole as well as the establishment of infrastructure that supports a market economy.	Хусусийлаштириш — эгалик ҳуқуқининг давлатдан нодавлат иқтисодий субъектига қонуний равишда ўтиш ёки ишлаб чиқариш воситаларини давлат тасарруфидан чиқариш жараёни. Шунингдек, ушбу таъриф кенг маънода умуман иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда бозор иқтисодиёти инфратузилмаларини бунёд этиш доирасидаги ташкилий, ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирлар мажмуини ҳам англатади.	Приватизация — процесс разгосударствления или денационализации средств производства, означающий легальный переход прав собственности от государства к негосударственному субъекту экономики. В широком смысле оно означает также комплекс организационных, правовых, институциональных мер по разгосударствлению экономики в целом, созданию инфраструктуры рыночной экономики.
221.	Probability at birth of not surviving to a specified age — calculated as 100 minus the probability (expressed as a percentage) of surviving to a specified age for a given cohort. See <i>Probability at birth of surviving to a specified age</i> .	Туғилишда мавжуд бўлган муайян ёшгача яшай олмаслик эҳтимоллиги — бу кўрсаткич ҳисоблаш жараёнида 100 % дан мазкур мустаҳкам гуруҳ бўйича муайян ёшгача яшай олиш эҳтимоли (фоизда ифодаланган) чиқариб ташланади (Қаранг: <i>Туғилишда мавжуд бўлган муайян ёшгача яшай олиш эҳтимоли</i>)..	Существующая при рождении вероятность не дожить до конкретного возраста — при расчете этого показателя из 100% вычитается вероятность дожить до конкретного возраста по данной когорте, выраженная в процентах. См. <i>Существующая при рождении вероятность дожить до конкретного возраста</i> .
222.	Probability at birth of surviving	Туғилишда мавжуд бўлган муайян	Существующая при рождении

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>to a specified age — the probability of a newborn infant surviving to a specified age if subject to prevailing patterns of age-specific mortality rates, expressed as a percentage.</p>	<p>бир ёшгача яшай олиш эҳтимоллиги — янги туғилган болада мавжуд бўлган муайян бир ёшгача яшай олиш эҳтимоли (агарда унинг ҳаёти давомида ўлим даражаси у туғилган пайтда кузатилган даражага мослигича қолган бўлса).</p>	<p>вероятность дожить до конкретного возраста — имеющаяся у новорожденного ребенка вероятность дожить до конкретного возраста, если в течение его жизни уровень смертности будет соответствовать уровню, который наблюдался при его рождении.</p>
223.	<p>Professional and technical workers, female — women’s share of positions defined according to the International Standard Classification of Occupations (ISCO-88) to include physical, mathematical and engineering science professionals (and associate professionals), life science and health professionals (and associate professionals), teaching professionals (and associate professionals) and other professionals and associate professionals.</p>	<p>Мутахассислар ва техник ходимлар, аёллар — касбларнинг халқаро стандарт таснифи (КХСТ-88)га мувофиқ белгиланган физик, математик олимлар ва муҳандислар (ва ёрдамчи ходимлар), биолог олимлар ва тиббиёт ходимлари (ва ёрдамчи ходимлар), ўқитувчилар (ва ёрдамчи ходимлар), шунингдек, бошқа мутахассислар ва тегишли ишчилар лавозимларида ишлаётган аёллар сони.</p>	<p>Специалисты и технические работники, женщины — число женщин на должностях, определенных в соответствии с Международной стандартной классификацией занятий (МСКЗ-88), куда входят ученые-физики, математики и инженеры (и вспомогательный персонал), ученые-биологи и медики (и вспомогательный персонал), преподаватели (и вспомогательный персонал), а также другие специалисты и соответствующие работники.</p>
224.	<p>Psychological health —</p>	<p>Психологик саломатлик —</p>	<p>Психическое здоровье —</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	is characterized with the level and quality of thinking, development of attention and memory, level of an emotional stability and advancing of volitional qualities.	бу инсоннинг фикр юритиш даражаси ва сифати, эътиборининг ривожланганлиги, хотиранинг яхшилиги, эмоционал қатъийлиги ҳамда истак-хоҳиш каби хислатларининг ривожланганлиги билан белгиланади.	характеризуется уровнем и качеством мышления, развитием внимания и памяти, степенью эмоциональной устойчивости и развитием волевых качеств.
225.	<p>Public good(s), global — a global public good is a good that has the three following properties :</p> <p>1. It is non-rivalrous. Consumption of this good by anyone does not reduce the quantity available to other agents;</p> <p>2. It is non-excludable. It is impossible to prevent anyone from consuming that good.</p> <p>3. It is available worldwide.</p> <p>This concept is an extension of Samuelson's notion of public goods to the economics of globalisation.</p>	<p>Ижтимоий маҳсулот(лар), глобал — бу маҳсулот куйидаги учта белгиларга жавоб беради:</p> <p>1. Истеъмолда рақобатсизлик белгиси, бир инсон томонидан бирон-бир маҳсулотнинг истеъмол қилиниши бошқа инсон томонидан истеъмол қилиш имкониятларини камайтирмаслигини англатади;</p> <p>2. Мустасно қилмаслик белгиси — бу бирон инсонни ана шу маҳсулотни истеъмол қилувчилар доирасидан чиқариб ташлашнинг иложи йўқлигидир;</p> <p>3. Бутун жаҳонда топиладиган, ҳаммабоп.</p> <p>Бу тушунча Самуэльсоннинг ижтимоий маҳсулот тушунчасини</p>	<p>Общественное/ые благо(а), глобальное(ые) —</p> <p>это благо отвечающее трем нижеследующим признакам:</p> <p>1. признак отсутствия конкурентности в потреблении - потребление блага одним человеком не уменьшает возможностей потребления его другими людьми;</p> <p>2. признак неисключения - практически невозможно исключить человека из круга потребителей данного блага.</p> <p>3. Оно доступно в мировом масштабах.</p> <p>Это понятие является расширением концепции общественного блага Самюэльсона исходя из реалий глобализации.</p>

	English	Ўзбекча	Русский
		кенгайтириш натижасида ривожланди.	
226.	Public Health — is a social and political concept aimed at the improving health, prolonging life and improving the quality of life among whole populations through health promotion, disease prevention through the organized efforts of society.	Жамоат соғлиғини сақлаш — бутун жамиятнинг ташкиллаштирилган саъй-ҳаракатлари орқали саломатликни мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ва бошқа бир қатор чора тадбирлар йўли билан саломатликни яхшилаш, умрни узайтириш ва умуман, аҳолининг ҳаёт кечириш сифатини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий ва сиёсий концепция демакдир.	Общественное здравоохранение — это социальная и политическая концепция, направленная на улучшение здоровья, продление жизни и улучшение качества жизни всего населения в целом путем укрепления здоровья, профилактики болезней и путем организованных усилий всего общества.
227.	R		
	Regionalization — formation and development of sustainable international structures of a regional character aiming to expand of cooperation and trade/ and implementation of large joint projects.	Минтақалашини — бу иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-сотиқни ривожлантириш ҳамда йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида тузилган барқарор минтақавий халқаро тузилмаларнинг шаклланиши ва ривожланиши демакдир.	Регионализация — это становление и развитие устойчивых международных структур регионального характера, имеющих целью развитие экономического сотрудничества и торговли, реализацию крупных совместных проектов.
228.	Remittances — are earnings and material resources transferred by international migrants or refugees to recipients in	Пул жўнатмалари — халқаро мигрантлар ёки қочоқлар ўзи туғилган мамлақати ёки бунга қадар аввал яшаган мамлақатга жўнатадиган иш ҳақи ёки моддий воситалар.	Денежные переводы — Заработная плата или материальные средства, которые международные мигранты или беженцы отправляют в страну происхождения или страны, где мигранты

	English	Ўзбекча	Русский
	their country of origin or countries in which the migrant formerly resided.		проживали ранее.
229.	Renewable source (of energy) — natural resources, which stocks or recovered more quickly than is used or not depends on whether or not they are used as hydro, solar, wind, geothermal, hydraulic energy, the energy of ocean currents, waves, tides.	Энергиянинг тикланадиган манбалари — захираси ишлатилишига нисбатан тезроқ тикланадиган ёки ишлатилиш, ишлатилмаслигига боғлиқ бўлмаган табиий ресурслар. Уларга қуйидагилар қиради: гидро, қуёш, шамол, геотермал, гидравлик энергия, денгиз оқимлари, тўлқин, денгиз суви градиентининг ҳарорати энергияси қиради.	Возобновляемые источники (энергии) — природные ресурсы, запасы которых или восстанавливаются быстрее, чем используются, или не зависят от того, используются они или нет, например, это такие как гидро, солнечная, ветровая, геотермальная, гидравлическая энергия, энергия морских течений, волн, приливов.
230.	Repetition rate, primary — number of primary school students enrolled in the same grade that they attended in the previous school year, expressed as a percentage of total enrolments in the school in the previous year.	Бошланғич мактабда синфдан-синфга қолиш — бошланғич мактабнинг бу йил ҳам ўтган ўқув йилидаги синфида ўқиётган ўқувчилар сонининг мазкур мактабда ўтган ўқув йилидаги ялпи қамраб олинганлик коэффициентиға нисбатан фоизлардаги улуши.	Коэффициент второгодничества в начальной школе — численность учащихся начальной школы, обучающихся в том же классе, что и в прошлом учебном году, в процентах к валовому коэффициенту охвата в данной школе за прошлый год.
231.	Reproduction of the population — one of the main processes of reproduction of society - can be	Аҳоли кўпайиши — жамиятнинг асосий репродуктив жараёнларидан бири бўлиб, уни аҳолидан уч кўринишдаги «ҳаракатлар»,	Воспроизводство населения — один из главных процессов репродукции общества, может рассматриваться как совокупность трех видов “движения”

	English	Ўзбекча	Русский
	viewed as a combination of three types of "movement" of the population, "natural" (biology and physiology), spatial (migration), social (social mobility).	яъни «табий» (биология ва физиология), маконга оид (миграция), ижтимоий (ижтимоий ҳаракатчанлик) ҳаракатлар йиғиндиси кўринишида қараш мумкин.	народонаселения: «естественного» (биология и физиология), пространственного (миграция), социального (социальная мобильность).
232.	Reproductive health — WHO's definition of health as a state of complete physical, mental and social well-being, and not merely the absence of disease or infirmity, reproductive health addresses the reproductive processes, functions and system at all stages of life	Репродуктив саломатлик — бу нафақат репродуктив тизим, унинг функциялари ва жараёнларига таалукли бўлган касалликларнинг мавжуд эмаслиги, балки жисмоний, ақлий ва ижтимоий фаровонлик ҳолатидир.	Репродуктивное здоровье — это состояние полного физического, умственного и социального благополучия, а не просто отсутствие болезней или недугов во всех вопросах, касающихся репродуктивной системы, ее функций и процессов.
233.	Researchers in R&D — people trained to work in any field of science who are engaged in professional research and development activity. Most such jobs require the completion of tertiary education.	Илмий-техник ишланмалар (ИТИ) соҳасида банд бўлганлар сони — илмий тадқиқотлар олиб бориш ва тажрибавий ишланмаларни амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ ишларда қатнашаётган ҳамда илм-фаннинг турли тармоқларида ишлаш учун тайёрланган ходимлар гуруҳи бўлиб, уларнинг аксарияти тугалланган олий маълумотга ва илмий даражага эга бўлишлари зарур.	Занятые в НИР — контингент сотрудников, подготовленных для работы в различных отраслях науки, которые участвуют в работах по проведению научных исследований и внедрению опытных разработок. Большинство таких сотрудников должны иметь законченное высшее образование и ученую степень.

	English	Ўзбекча	Русский
234.	<p>Resilience —</p> <p>1. UN defines the term as “the ability of a system, community or society exposed to hazards to resist, absorb, accommodate to and recover from the effects of a hazard in a timely and efficient manner.”</p> <p>2. But according to UNDP, these and other definitions focus too narrowly on responding to shocks rather than preventing or preparing for them, and their stated goal is only to return beleaguered communities to their original state. UNDP therefore proposes to define resilience as a “transformative process of strengthening the capacity of people, communities and countries to anticipate, manage, recover and transform from shocks”.</p>	<p>Бардошлилик (чидамлилик) —</p> <p>1. БМТнинг таърифига кўра, бардошлилик (чидамлилик) «тизим, жамият ва аҳолининг хавф-хатарга қарши курашиш қобилияти» сифатида ҳамда ушбу хавф-хатар оқибатларига бардош бериб, уларни енгиб, ўз вақтида ва самарали тикланиш сифатида таърифланади.</p> <p>2. Аммо, БМТТД таърифига биноан, мазкур таъриф тор маънога эга бўлиб, асосий эътибор фақатгина хавф-хатар оқибатларига қарши курашишга қаратилган. Унинг мақсади турли салбий шокларга тайёр туриш ёки уларнинг олдини олиш эмас, балки кўрилган зарарни қоплаш ва бошланғич ҳолатни қайта тиклаш ҳисобланади. Шунинг учун БМТТД бардошлилик (чидамлилик)ни одамлар, жамият ва мамлакатларнинг салоҳиятларини мустаҳкамлаш, башорат қилиш, бошқариш, тикланиш ва қайта шакллантириш сифатида таъриф беришни таклиф этади.</p>	<p>Стойкость (устойчивость) —</p> <p>1. Согласно трактовке ООН, стойкость определяется как «способность системы, общества или населения сопротивляться опасностям, а также выдерживать, преодолевать и восстанавливаться от последствий этих опасностей, своевременным и эффективным способом».</p> <p>2. Однако, по мнению ПРООН, данное определение является узкой трактовкой, где акцент уделяется только на преодоление последствий потрясений (опасностей), целью которого является реабилитация пострадавших и восстановление первоначального состояния, а не на предотвращение или подготовку к различным негативным шокам. Поэтому ПРООН предлагает определить стойкость (устойчивость) как «трансформационный процесс укрепления возможности людей, обществ и стран предвидеть, управлять, восстанавливать и преобразовываться от потрясений».</p>

	English	Ўзбекча	Русский
235.	Resources — any sources and conditions for obtaining goods necessary for people's material and spiritual wealth.	Ресурслар — инсонлар учун моддий ва маънавий озиқа берувчи ва шундай озиқаларни беришга мўлжалланган барча манбалар.	Ресурсы — любые источники и предпосылки для получения необходимых людям материальных и духовных благ.
236.	Resources, Exhaustible — Sort of the natural resources that by incorrect economic exploitation can lead to their extinction.	Тугайдиган ресурслар — табиий ресурсларнинг улардан хўжалик мақсадларида фойдаланишда тугаб қолиши мумкин бўлган турлари.	Ресурсы, исчерпаемые – тип природных ресурсов, неправильная экономическая эксплуатация которых может привести к их исчезновению.
237.	Resources, Inexhaustible - inexhaustible natural resources, lack of which isn't felt neither now and nor in the foreseeable future (e.g., atmospheric air, water, solar energy, energy of winds, etc.). The inexhaustible resources concept is relative since they in qualitative aspect can be exhausted, their suitability can decrease at considerable environmental pollution.	Тугамайдиган ресурслар — битмас - туганмас табиий ресурслар бўлиб, уларнинг миқдори етишмай қолиши на ҳозир ва на келажакда сезилмайди (масалан, атмосфера ҳавоси, сув, қуёш энергияси, шамол энергияси ва ҳ.к.). Бу тушунга бир қадар нисбий бўлиб, тугамайдиган ресурслар сифат жиҳатидан тугаб қолиши мумкин, яъни атроф-муҳитнинг ифлосланишидан бу ресурсларнинг ярқилиги камайиши мумкин.	Ресурсы неисчерпаемые — неиссякаемые природные ресурсы, недостаток в количестве которых не ощущается ни сейчас, ни в обозримом будущем (напр., атмосферный воздух, вода, солнечная энергия, энергия ветров и т.п.). Понятие относительное, т.к. неисчерпаемые ресурсы в качественном аспекте могут истощаться, их пригодность может уменьшаться при значительном загрязнении окружающей среды.

	English	Ўзбекча	Русский
238.	Resources, Renewable — the natural resources in biospheric circulation of substances, which capable to self-restoration. Soil, plant and animal life can be considered as the renewable resources. By correct exploitation vegetable and animal resources can keep their ability to self-restoration and will be never exhausted.	Қайта тикланувчан ресурслар — биосферадаги моддалар айланишида иштирок этадиган, қайта тикланиш қобилиятига эга бўлган табиий ресурслар. Қайта тикланувчан ресурсларга тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами мисол бўлади. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ресурсларидан тўғри фойдаланганда улар доимо ўз-ўзини қайта тиклаб туради ва ҳеч қачон камайиб қолмайди.	Ресурсы возобновляемые — природные ресурсы, находящиеся в биосферном круговороте веществ, способные к самовосстановлению. К возобновимым ресурсам можно отнести почву, растительный и животный мир. При правильной эксплуатации растительные и животные ресурсы сохраняют способность к самовосстановлению и никогда не истощаются.
239.	Resources, nonrenewable — the natural resources, which self-restoration proceeds in thousands and million times more slowly than rate of their operation (e.g., soil resources).	Қайта тикланмайдиган ресурслар — қайта тикланиши уларнинг сарфланиш тезлигидан минг ва миллион мартадан секин кечадиган табиий ресурслар (масалан, ер ости бойликлари).	Ресурсы невозобновляемые — природные ресурсы, самовосстановление которых протекает в тысячи и миллионы раз медленнее темпа их эксплуатации (напр., богатства недр).
240.	Risk management, environmental — is the identification, assessment, and prioritization of environmental risks followed by coordinated and economical	Экологик рискларни бошқариш — бошқарув қарорларини амалга ошириш билан келиб чиқадиган йўқотишларни минималлаштириш ва экологик бахтсиз ҳодисаларнинг пайдо бўлиш эҳтимоллигини камайтиришга	Управление экологическим риском — процесс принятия и выполнения управленческих решений, направленных на снижение вероятности возникновения экологически неблагоприятного результата и минимизацию возможных потерь, вызванных

	English	Ўзбекча	Русский
	application of resources to minimize, monitor, and control the probability and/or impact of unfortunate events or to maximize the realization of opportunities.	йўналтирилган бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бажариш жараёнидир.	его реализацией.
241.	Royalties and licence fees, receipts of — receipts by residents from nonresidents for the authorized use of intangible, nonproduced, nonfinancial assets and proprietary rights (such as patents, trademarks, copyrights, franchises and industrial processes) and for the use, through licensing agreements, of produced originals of prototypes (such as films and manuscripts). Data are based on the balance of payments.	Роялти, лицензия тўловлари ва киримлар — ушлаб кўриб, сезиб бўлмайдиган, саноат маҳсули бўлмаган, номолиявий активлардан ва муаллифлик ҳуқуқларидан (патентлар, савдо белгилари, муаллифлик ҳуқуқи, франчайзинг ва саноат жараёни каби) ҳамда лицензиялаштирилган шартнома орқали оригинал маҳсулотларнинг ўхшаш кўринишлари (масалан, кинофильмлар ва кўлёмалар)дан фойдаланганлик учун норезидентлардан олинадиган молиявий киримлар. Бу маълумотлар тўлов балансида акс этади.	Роялти и лицензионные выплаты, получение — финансовые поступления, получаемые резидентами от нерезидентов за разрешения на использование неосязаемых, непромышленных, нефинансовых активов и авторских прав (таких как патенты, торговые марки, авторские права, франшиза и промышленные процессы), а также за использование, через лицензионные соглашения, произведенных оригиналов прототипов (например, фильмы и рукописи). Эти данные отражаются на платежном балансе.
242.	S		
	Safe Motherhood — aims at attaining optimal maternal and newborn health. It implies	Хавфсиз оналик — оналик ва янги туғилган чақалоқларнинг (ЯТЧ) аъло даражадаги саломатлигига	Безопасное материнство — достижение лучшего здоровья матерей и новорожденных. Это подразумевает

	English	Ўзбекча	Русский
	reduction of maternal mortality and morbidity and enhancement of the health of newborn infants through equitable access to primary health care including family planning, prenatal, delivery and postnatal care for the mother and infant, and access to essential obstetric and neonatal care.	эришиш. Бунда тенг ҳуқуқли бирламчи ёрдам ола билиш, жумладан, оилани режалаштириш, туғурукча ва туғурукдан кейинги тиббий ёрдам олиш, шунингдек, акушерлик ва неонатал ёрдам ола билиш имкониятларига эга бўлиш орқали оналар касалланиши ва ўлимини камайтириш ҳамда ЯТЧларнинг саломатлигини яхшилаш кўзда тутилади.	уменьшение материнской заболеваемости и смертности и улучшение здоровья новорожденных путем равноправного доступа к первичной медицинской помощи, включая планирование семьи, родовую и послеродовую помощь и доступ к акушерской и неонатальной помощи.
243.	Sanitation facilities, improved, population using — the percentage of the population with access to adequate excreta disposal facilities, such as a connection to a sewer or septic tank system, a pour-flush latrine, a simple pit latrine or a ventilated improved pit latrine. An excreta disposal system is considered adequate if it is private or shared (but not public) and if it can effectively prevent human, animal and insect contact with excreta.	Замонавий каналлизация тизимларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган аҳоли — каналлизация ёки септик хавзалар (резервуарлар) тизими, сув билан ювиб юбориладиган ҳожатхоналар, оддий ёки такомиллаштирилган, хавоси алмаштириб туриладиган ҳожатхона каби санитария-техника мақсадларидаги объектлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлган аҳолининг фоизлардаги улуши. Нажас (фекалийлар)ларни йўқ қилиш тизими, у якка тартибда ёки алоҳида фойдаланиш (аммо, умумий фойдаланишдаги эмас) имкониятини	Население, имеющее доступ к современным системам канализации — процентная доля населения, имеющего доступ к таким объектам санитарно-технического назначения, как канализация или система септических резервуаров, уборная сливного типа, элементарная или усовершенствованная вентилируемая уборная. Система удаления фекалий считается удовлетворительной, если обеспечивает возможность индивидуального или раздельного пользования (но не общественного пользования), а также может в соответствии с гигиеническими требованиями предотвращать контакт

	English	Ўзбекча	Русский
		таъминласа, шунингдек, гигиеник талабларга мувофиқ, одам, ҳайвонлар ва ҳашаротларнинг нажасга тегинишининг олдини олишга қодир бўлган тақдирдагина, қониқарли ҳисобланади.	человека, животных и насекомых с фекалиями.
244.	Science, maths and engineering students in universities — the share of tertiary students enrolled in natural sciences; engineering; mathematics and computer sciences; architecture and town planning; transport and communications; trade, craft and industrial programmes; and agriculture, forestry and fisheries.	Табиий, математик ва техника олий ўқув юртлари талабалари — табиий, техника, математик фанлар ва компьютер технологиялари; архитектура ва шаҳарларни лойиҳалаштириш; транспорт ва коммуникациялар; савдо, ҳунармандчилик ва саноат дастурлари; шунингдек, қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик билан шуғулланаётган олий ўқув юртлари талабаларининг улуши.	Учащиеся на естественных, математических и технических факультетах ВУЗов — доля студентов высших учебных заведений, занимающихся естественными, техническими, математическими науками и компьютерными технологиями; архитектурой и городским планированием; транспортом и коммуникациями; торговлей, ремеслом и промышленными программами; а также сельским, лесным хозяйством и рыболовством.
245.	Seats in parliament held by opposite gender — percentage of seats held by a respective gender in a lower or single house or an upper house or senate, where relevant.	Қарама-қарши жинс вакилларининг парламентдаги сони — тегишли жинс (гендер) вакиллари томонидан қуйи ёки юқори палатада, бир палатали парламентда ёки сенатда эгаллаб турилган ўринлар салмоғи.	Места в парламенте в гендерном разрезе — удельный вес мест, занимаемых представителями соответствующего пола в нижней или верхней палате, однопалатном парламенте или сенате.
246.	Seats in parliament held by women —	Парламентда аёллар эгаллаган ўринлар сони —	Количество мест занимаемых женщинами в парламенте —

	English	Ўзбекча	Русский
	refers to seats held by women in a lower or single house or an upper house or senate, where relevant.	аёлларнинг қуйи ёки умумий палатада, шунингдек, олий органи ёки сенати мавжуд бўлган мамлакатларда олий орган ёки сенатда эгаллаган ўринларининг сони тушунилади.	относится к числу мест, занимаемых женщинами в нижней или общей палате, а также в верховном органе или сенате в тех странах, где таковые существуют.
247.	Sex — the differences of a strictly biological nature between men and women —which do not necessarily determine our behavior, with which we are born and that cannot be changed.	Жинс — аёллар ва эркаклар ўртасидаги туғма ва ўзгартириб бўлмайдиган, бироқ бизнинг хулқ-атворимизга кескин таъсир қилмайдиган табиий биологик тафовут.	Пол — биологические различия между мужчинами и женщинами —которые не обязательно влияют на наше поведение, но с которыми мы родились и не можем изменить.
248.	Social allocation ratio — the percentage of public expenditure earmarked for social services.	Ижтимоий мақсадларга йўналтирилган маблағлар улуши — давлат харажатларининг ижтимоий хизматларга ажратиладиган улуши.	Доля социальных назначений — доля государственных расходов, выделяемых на социальные услуги.
249.	Social health — is determined with moral principles that constitute the ground of the social life of the human being, i.e. vital activity in a specific human society. It is primarily characterized with the attitude of the human being to the labor, active aversion of antisocial	Ижтимоий саломатлик — бу инсоният ижтимоий ҳаётининг асосини ташкил этувчи одоб-ахлоқ қоидалари билан белгиланиб, унинг маълум бир жамоат ичидаги турмуш фаолиятининг хусусиятларини назарда тутуди. Асосан, инсоннинг меҳнатга, одатий ҳаёт кечиришга ҳамда жамият ахлоқ меъёрларига зид бўлган	Социальное здоровье — определяется моральными принципами, которые составляют основу социальной жизни человека, т.е. его жизнедеятельности в конкретном человеческом обществе. Оно характеризуется, прежде всего, отношением человека к труду, активным неприятием асоциальных нравов и привычек, противоречащих нормальному образу жизни.

	English	Ўзбекча	Русский
	dispositions and habits, contradicting to a normal mode of life.	одатларга фаол қарши тура олиши билан белгиланади.	
250.	Social inclusion — the European commission defines social inclusion as “a process which ensures that those at risk of poverty and social exclusion gain the opportunities and resources necessary to participate fully in economic, social and cultural life and to enjoy a standard of living and well-being that is considered normal in the society in which they live. It ensures that they have greater participation in decision making which affects their lives and access to their fundamental rights (as defined in the Charter of Fundamental Rights of the European Union)” (European Commission, 2004).	Ижтимоий жалб қилиниш — Европа Иттифоқи комиссияси бунни қуйидагича таърифлайди: «Ижтимоий жалб қилиниш — аҳолининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда тўлақонли қатнашиши учун зарур бўлган имконият ва ресурсларга эга бўлиши, камбағаллик ва ижтимоий четлашиш хавфига дучор бўлган аҳолини таъминлаш, шунингдек, турмуш тарзи ва фаровонликнинг улар яшаётган жамиятда нормал ҳисобланадиган даражасига эришиш жараёнидир. Шунингдек, ижтимоий жалб қилиниш ҳаётининг муҳим қарорлар қабул қилишда уларнинг янада фаолроқ қатнашиши ва фундаментал ҳуқуқларга эришишини таъминлайди (Европа Иттифоқи асосий ҳуқуқлари Хартиясида таърифланган)» (Европа Иттифоқи комиссияси, 2004).	Социальная вовлеченность — Комиссия Европейского Союза определяет социальную вовлеченность как «процесс, обеспечивающий людям, подверженным риску бедности и социальной отчужденности, получение возможностей и ресурсов, необходимых для полноценного участия в экономической, социальной и культурной жизни, и достижению того уровня жизни и благосостояния, которое считается нормальным в обществе, где они живут. Тем самым обеспечивается их более активное участие в принятии решений, влияющих на их жизнь, и доступ к фундаментальным правам» (определенным в Хартии основополагающих прав Европейского Союза)» (Комиссия Европейского Союза, 2004).
251.	Social capital — the networks and shared norms,	Ижтимоий сармоя — ижтимоий гуруҳлар ичида ва ўртасида	Социальный капитал — сети и общие нормы, ценности, а также

	English	Ўзбекча	Русский
	values and understanding that facilitate co-operation within and between groups.	ўзаро алоқа ва ҳамкорликлар шаклини, шунингдек, умумий одоб-ахлоқ меъёрларини ва қадриятларни акс эттиради.	форма взаимодействия и сотрудничества внутри и между социальными группами.
252.	Social policy — legislative, institutional, budgetary support to achieve objectives in the field of human welfare, to protect the interests of socially vulnerable layers of such socially important areas as health, education, employment, pensions, etc.	Ижтимоий сиёсат — таълим, саломатлик, меҳнат муносабатлари, нафақа билан таъминлаш каби соҳаларда аҳолининг ижтимоий заиф қатламини ҳимоя қилиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида қўйилган вазифаларни қонуний, институционал ва молиявий таъминлаш доирасида қўрилаётган барча чора-тадбирлар мажмуи.	Социальная политика — законодательное, институциональное, бюджетное обеспечение достижения задач в сфере повышения благосостояния населения, защиты интересов социально уязвимых слоев, развития таких общественно-значимых сфер, как здравоохранение, образование, трудовые отношения, пенсионное обеспечение и т.д.
253.	Social priority ratio — the percentage of social expenditure devoted to human priority concerns.	Ижтимоий устуворликлар улуши — инсонни ривожлантиришнинг устувор муаммоларини ҳал этиш учун ажратилаётган ижтимоий харажатлар улуши.	Доля социальных приоритетов — доля социальных расходов, выделяемых на решение приоритетных проблем развития человека.
254.	Special Drawing Rights — are supplementary foreign exchange reserve assets defined and maintained by the International Monetary Fund (IMF). Not a currency, SDRs	Ўзлаштирманинг махсус ҳуқуқлари — Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) томонидан аниқланадиган ва мустақамланадиган сунъий захира ва тўлов бирлиги. Фақат нақд бўлмаган	Специальные права заимствования — искусственное резервное и платёжное средство, эмитируемое Международным валютным фондом (МВФ). Имеет только безналичную форму в виде записей на банковских счетах, банкноты не

	English	Ўзбекча	Русский
	instead represent a claim to currency held by IMF member countries for which they may be exchanged. Special Drawing Rights can only be exchanged for Euros, Japanese yen, UK pounds, or US dollars.	шаклда банк ҳисоби кўринишига эга, банкноталари чиқарилмаган. Валюта ва қарз мажбурияти деб ҳисобланмайди. Фақат ХВФ ичида муомалада бўладиган кўлланилиши соҳаси чекланган шаклда бўлади. Мазкур тўлов воситаси (СДР) фақатгина евро, япон йенаси, Буюк Британия фунт стерлинги ёки АҚШ долларида алмаштирилиши мумкин.	выпускались. Не является ни валютой, ни долговым обязательством. Имеет ограниченную сферу применения, обращается только внутри МВФ. Это платежное средство может обмениваться только на евро, японскую йену, британский фунт-стерлингов или доллары США.
255.	Standard of living — integrated index of socio-economic development, measured by aggregate data such as real per capita income, poverty rate, access to health care, the uneven growth of incomes, standards of education, provision of certain goods (for example, the number of televisions per 1,000 people.), etc.	Турмуш даражаси — жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ўлчовчи мураккаб кўрсаткич бўлиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад, камбағаллик коэффициенти, тиббиёт хизматларидан фойдаланиш имкониятлари, даромадлар ўсишининг тенгсизлиги, таълим стандартлари ва аҳолининг маълум товар билан таъминланганлиги (масалан, 1000 нафар кишига тўғри келадиган телевизорлар сони ва ҳ.к.)ни акс эттиради.	Уровень жизни — интегрированный показатель социально-экономического развития общества, измеряемый посредством совокупности таких данных как реальные доходы на душу населения, коэффициент бедности, доступность здравоохранения, неравномерность роста доходов, стандарты образования, обеспеченность населения определенными товарами (например, количество телевизоров на 1000 чел.) и др.
256.	Sustainable development — one of the major modern models of social progress, according to	Барқарор ривожланиш — ҳозирги даврдаги жамият тараққиётининг энг муҳим	Устойчивое развитие — одна из важнейших современных моделей общественного прогресса, согласно которому

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>which the most important task is to ensure continuity of development. Sustainable development, including economic, environmental, demographic, and other components are not only aimed at meeting the needs of all living, but also to ensure them.</p>	<p>моделларидан бири бўлиб, унга кўра энг асосий вазифа ривожланишнинг узвийлигини таъминлашдир. Барқарор ривожланиш иқтисодий, экологик, демографик ва бошқа компонентларни ўз ичига олган ҳолда нафақат бугунги авлодларнинг эҳтиёжларини қондириш, балки келажакдаги авлодлар учун эҳтиёжларнинг қафолатланишини ҳам мақсад қилади.</p>	<p>важнейшей задачей является обеспечение непрерывности развития. Устойчивое развитие, включая в себя экономический, экологический, демографический и иные компоненты, нацелено не только на удовлетворение потребностей живущих ныне, но и на обеспечение достойной жизни будущих поколений.</p>
257.	<p>System of National Accounts (SNA) — is a system table in the form of accounts, which characterize the process of production, distribution and end use of the gross domestic product (GDP), as a rule, for the year.</p>	<p>Миллий ҳисоблар тизими — бир йил давомида яратилган ЯИМнинг ишлаб чиқариш жараёни, тақсимланиши ва ишлатилишини акс эттирувчи бухгалтерлик ҳисоблар кўринишидаги жадваллар тизимидир.</p>	<p>Система национальных счетов (СНС) — представляет собой систему таблиц в форме бухгалтерских счетов, характеризующих процесс производства, распределения и конечного использования валового внутреннего продукта (ВВП), как правило, за год.</p>
258.	<p>T</p>		
	<p>Terms of trade — the ratio of the export price index to the import price index measured relative to a base year. A value of more than 100 means that the price of exports has risen</p>	<p>Савдо шартлари — базис йилига нисбатан аниқланадиган экспорт нархлари индексининг импорт нархлари индексига нисбати билан аниқланадиган кўрсаткич. Бунда, берилган бирлик 100 дан катта бўлса, бу</p>	<p>Условия торговли — показатель, учитывающий соотношение индекса экспортных цен к индексу импортных цен, определяемый относительно базового года. Значение, превышающее 100, предполагает, что цена экспорта увеличилась</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	relative to the price of imports.	ҳолат экспорт нархи импортга нисбатан ошганлигини англатади.	в отношении цены импорта.
259.	Territory urbanised — a site occupied with settlement of city type and also an industrial, transport and engineering infrastructure.	Урбанизацияланган ҳудуд — шаҳар типдаги аҳоли пункти ва у билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш, транспорт ҳамда муҳандислик иншоотлари жойлашган ҳудуд.	Территория урбанизованная — участок, занятый поселением городского типа и связанными с ним производственными, транспортными и инженерными сооружениями.
260.	Time use, market activities — time spent on activities such as employment in establishments, primary production not in establishments, services for income and other production of goods not in establishments as defined according to the 1993 revised UN System of National Accounts.	Вақтни тақсимлаш, бозор фаолияти — 1993 йилда қайта кўриб чиқилган БМТнинг Миллий ҳисоб тизимида берилган таърифга мувофиқ, бу муассасаларда, асосий ишлаб чиқаришда, пулли хизматлар соҳасида ҳамда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи бошқа тармоқларда раҳбар бўлмаган лавозимларда банд бўлиш каби фаолият турига сарфланган вақтдир.	Распределение времени, рыночная деятельность — В соответствии с определением, данным в пересмотренной в 1993 г. Системе национальных счетов ООН, это время, затраченное на такого рода деятельность, как работа не на руководящих должностях в учреждениях, в основном производстве, в сфере платных услуг и в других отраслях, производящих товары и услуги, кроме работы на руководящих должностях.
261.	Time use, nonmarket activities — time spent on activities such as household maintenance (cleaning, laundry and meal preparation and	Вақтни тақсимлаш, нобозор фаолияти — 1993 йилда қайта кўриб чиқилган БМТнинг Миллий ҳисобварақлар тизимида берилган таърифга мувофиқ,	Распределение времени, нерыночная деятельность — в соответствии с определением, данным в пересмотренной в 1993 г. Системе национальных счетов ООН это время,

	English	Ўзбекча	Русский
	cleanup), management and shopping for own household; care for children, the sick, the elderly and the disabled in own household; and community services, as defined according to the 1993 revised UN System of National Accounts.	бу уй ишларига (уй йиғиштириш, кир ювиш, овқат пишириш, идиш-товоқларни ювиш), маҳсулотлар харид қилиш ва уй-рўзғор хўжалигини юритиш; болалар, беморлар, оиланинг кекса аъзоларига ва ногиронларга қарашга; шунингек, жамоат ишларига сарфланган вақтдир.	затраченное на работу по дому (уборка, стирка, приготовление еды, мытье посуды), совершение покупок и ведение домашнего хозяйства; уход за детьми, больными, престарелыми членами семьи и инвалидами; а также на общественные работы.
262.	Time use, work time, total — time spent on market and nonmarket activities as defined according to the 1993 revised UN System of National Accounts.	Вақтни тақсимлаш, иш вақти, жами — 1993 йилда қайта кўриб чиқилган БМТнинг Миллий ҳисоб тизимида берилган таърифга мувофиқ, бу бозор ва нобозор фаолиятига сарфланган вақтдир.	Распределение времени, рабочее время, всего — в соответствии с определением, данным в пересмотренной в 1993 г. Системе национальных счетов ООН это время, потраченное на рыночную и нерыночную деятельность.
263.	Treaties, ratification of — after signing a treaty, a country must ratify it, often with the approval of its legislature. Such process implies not only an expression of interest as indicated by the signature, but also the transformation of the treaty's principles and obligations into national law.	Шартномани ратификация қилиш — мамлакат ҳукумати томонидан шартнома имзоланганидан сўнг уни ратификация қилиши зарур бўлиб, кўп ҳолларда бу иш унинг қонун чиқарувчи органлари томонидан маъқулланилиш жараёни орқали амалга оширилади. Бу жараён нафақат шартномани имзолаган мамлакатларнинг манфаатдорлигини тан олишларини, балки мазкур	Ратификация договора — после подписания договора страна должна ратифицировать его, часто через процедуру одобрения ее законодательным органом. Эта процедура предполагает не только признание заинтересованности подписавших сторон, но также связана с необходимостью внесения основных принципов договора и обязательств по его соблюдению в национальное законодательство.

	English	Ўзбекча	Русский
		шартномадаги тамойиллар ва уларга риоя этиш билан боғлиқ мажбуриятларнинг ҳам миллий қонунчиликка киритилиши зарурлигини назарда тутади.	
264.	<p>Tuberculosis cases cured under DOTS — the percentage of estimated new infectious tuberculosis cases cured under DOTS, the internationally recommended tuberculosis control strategy.</p>	<p>ДОТС доирасида даволанган сил билан касалланганлар улуши — бевосита назоратда бўлган қисқа даволаш курси асосида силга қарши курашиш ва унга ташхис қўйишнинг халқаро стратегияси доирасида даволанган ва қайта сил касаллигига чалинган беморларнинг тахминий фоизи.</p>	<p>Случаи заболевания туберкулезом, излеченные в рамках ДОТС — приблизительный процент вновь инфицированных туберкулезных больных, вылеченных в рамках стратегии диагностики и лечения на основе краткого курса лечения под прямым наблюдением (ДОТС).</p>
265.	<p>Tuberculosis cases detected under DOTS — the percentage of estimated new infectious tuberculosis cases detected (diagnosed in a given period) under DOTS, the internationally recommended tuberculosis control strategy.</p>	<p>ДОТС доирасида аниқланган сил билан касалланганлар улуши — берилган давр ичида бевосита назоратда бўлган қисқа даволаш курси асосида силга қарши курашиш ва унга ташхис қўйишнинг халқаро стратегияси (ДОТС) доирасида ташхис қўйилган ва сил касаллигига қайта чалинган беморларнинг тахминий фоизи.</p>	<p>Случаи заболевания туберкулезом, обнаруженных в рамках ДОТС — приблизительная доля вновь инфицированных туберкулезных больных, диагноз которым поставлен в рамках стратегии диагностики и лечения на основе краткого курса лечения под прямым наблюдением (ДОТС) в заданный период времени.</p>
	<p>Tuberculosis cases, prevalence —</p>	<p>Сил билан касалланиш ҳолатлари, тарқалиши —</p>	<p>Случаи заболевания туберкулезом, распространение —</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	the total number of tuberculosis cases reported to the World Health Organization. A tuberculosis case is defined as a patient in whom tuberculosis has been bacteriologically confirmed or diagnosed by a clinician.	Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан рўйхатга олинган сил билан касалланиш ҳолатлари сони. Бактериологик тадқиқот натижасида тасдиқланган ёки клиникада ташхис қўйилган тақдирда беморда сил билан касалланиш ҳолати аниқланади.	количество случаев заболевания туберкулезом, зарегистрированных Всемирной организацией здравоохранения. Заболевание туберкулезом определяется у пациента в результате бактериологического исследования или поставленного в клинике диагноза.
266.	U		
	UBA Approach (unmet basic needs approach) — one of several methods to measure poverty. It seeks to establish whether households or individuals are satisfying basic needs with the products or services they actually consume. A household or individual is classified as poor if it does not reach the threshold for all or some basic needs.	ҚЭЁ (Қондирилмаган бирламчи эҳтиёжларга асосланган ёндашув) — камбағалликни ўлчаш борасидаги мавжуд бир нечта усуллардан бири бўлиб, у уй хўжаликлари ёки одамлар ўзларининг энг муҳим эҳтиёжларини амалда истеъмол қилаётган маҳсулотлар ва хизматлар ҳисобидан қондира олаётган ёки олмаётганликларини аниқлашга қаратилгандир. Барча ёки бир нечта энг муҳим кўрсаткичлар бўйича чегаравий кўрсаткичига етмаган уй хўжалиги ёки киши камбағал деб ҳисобланади.	ПНП (подход на основе неудовлетворённых базовых потребностей) — один из нескольких методов измерения бедности. Он направлен на определение того, удовлетворяют ли домохозяйства или люди свои базовые потребности за счёт фактических потребляемых ими продуктов и услуг. Домохозяйство или человек считаются бедными, если они не достигают порогового значения по всем или некоторым базовым потребностям.
267.	Under height for age, children under age five — includes moderate stunting	Ёшига нисбатан бўйи етарли бўлмаган беш ёшгача бўлган болалар —	Дети до пяти лет с недостаточным для своего возраста ростом — показатель включает процент страдающих

	English	Ўзбекча	Русский
	(defined as between two and three standard deviations below the median height-for-age of the reference population), and severe stunting (defined as more than three standard deviations below the median height-for-age of the reference population).	кўрсаткич ушбу аҳоли учун бўй/ёш кўрсаткичи медиана кўрсаткичдан икки-уч марта четга чиққани ҳолда бўйи секин ўсишидан, шунингдек, ушбу аҳоли учун бўй/ёш кўрсаткичи медиана кўрсаткичдан уч мартадан кўп четга чиққани ҳолда бўй ўсиши секинлашувининг оғир шаклидан азият чекаётганлар фоизини ўз ичига олади.	замедлением роста с двух или трехкратным отклонением от медианного значения рост/возраст для данного населения, а также тяжелой формой замедления роста при более чем трехкратном отклонении от медианного значения показателя рост/возраст для данного населения.
268.	Under weight for age, children under age five — includes moderate underweight (defined as between two and three standard deviations below the median weight-for-age of the reference population), and severe underweight (defined as more than three standard deviations below the median weight-for-age of the reference population).	Ёшига нисбатан вазн етишмовчилиги, беш ёшгача бўлган болалар — кўрсаткичи ушбу аҳоли гуруҳи учун вазн/ёш кўрсаткичи медиана кўрсаткичдан икки-уч марта четлашган ҳолда вазн етишмовчилигидан, шунингдек, вазн/ёш кўрсаткичи медиана кўрсаткичдан уч мартадан кўп четлашгани ҳолда вазн етишмовчилигининг оғир шаклидан азият чекаётган болалар фоизини ўз ичига олади.	Дети в возрасте до пяти лет с пониженной для своего возраста массой тела — показатель включает процент детей в возрасте до пяти лет, страдающих недостаточным весом, с двух-, трехкратным отклонением от медианного значения отношения вес/возраст для данного населения, а также тяжелыми формами недостаточности веса, при более чем трехкратном отклонении от медианного значения показателя вес/возраст для данного населения.
269.	Undernourished people — people whose food intake is chronically insufficient to meet	Озиқ-овқат етишмовчилигидан азият чекаётган аҳоли — доимий равишда энг кам энергетик	Население, страдающее от недостатка питания — население, постоянно потребляющее пищу в

	English	Ўзбекча	Русский
	their minimum energy requirements.	эҳтиёжларни қондириш учун етарли бўлмаган ҳажмда овқатланаётган аҳоли.	объеме, недостаточном для удовлетворения минимальных энергетических потребностей.
270.	Undernourishment, prevalence of — percentage of the population whose dietary energy consumption is continuously below a minimum dietary energy requirement for maintaining a healthy life and carrying out light physical activity with an acceptable bodyweight for attained height.	Тўйиб овқатланмаслик даражаси — аҳолининг маълум бир қисми бўлиб, улар соғлом турмуш тарзини ҳамда вазни бўйига мутаносиблиги ҳолда энгил жисмоний фаолият юритиши учун зарур бўлган минимал қувватни талаб даражасидан ҳам кам истеъмол қиладилар.	Недоедание, распространенность — удельный вес населения, чье потребление энергии постоянно ниже минимальных требований, необходимых для поддержания здорового образа жизни и осуществления легкой физической деятельности с приемлемым соотношением веса тела на рост.
271.	Unemployment — refers to all people above a specified age who are not in paid employment or self-employed, but are available for work and have taken specific steps to seek paid employment or self-employment.	Ишсизлик — муайян ёшга етган ва ҳақ тўланадиган ишда банд бўлмаган ёки хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмаётган, бироқ ишлашга қодир бўлган ҳамда ҳақ тўланадиган иш топиш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш борасида муайян саъй-ҳаракатларни амалга ошираётган барча шахслар ишсизлар ҳисобланади.	Безработица — безработными считаются все лица, достигшие определенного возраста и не занятые на оплачиваемой работе или не занимающиеся частным предпринимательством, но способные к работе и предпринимающие определенные шаги в поисках оплачиваемой работы или предпринимательской деятельности.
272.	Unemployment rate — the unemployed divided by the	Ишсизлик даражаси — ишсизлар сонининг ишчи кучи	Уровень безработицы — число безработных, деленное на общее число

	English	Ўзбекча	Русский
	labour force (those employed plus the unemployed).	(ишлаётганлар ва ишсизлар)нинг умумий сонига нисбати.	рабочей силы (работающие плюс безработные).
273.	Unemployment rate, youth — refers to the unemployment rate between the ages of 15 or 16 and 24, depending on the national definition.	Ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси — миллий статистикада қандай белгиланишига қараб, 15 (ёки 16) ёшдан 24 ёшгача бўлган ёш гуруҳига тааллуқлидир.	Уровень безработицы среди молодежи — относится к возрастной группе от 15 (или 16) до 24 лет, в зависимости от того, как установлено национальной статистикой.
274.	Unemployment, long-term — unemployment lasting 12 months or longer.	Турғун ишсизлик — 12 ой ва ундан ортиқ давом этадиган ишсизлик.	Безработица застойная — безработица, длящаяся от 12 месяцев и дольше.
275.	UNEP — Intergovernmental Environment Programme, initiated by the UN Stockholm Conference (1972) and the UN General Assembly (1973), devoted to the ecological crisis (desertification of the planet, the loss of topsoil, deforestation of the Earth, a sharp deterioration in the quality and reduce the amount of fresh water, pollution of the oceans, etc.). UNEP reports annually on its activities to the UN General Assembly through	ЮНЭП — Атроф-муҳит бўйича ҳукуматлараро дастур бўлиб, у БМТнинг Стокгольм анжумани (1972 й.) ва БМТ Бош Ассамблеясининг қарори билан (1973 й.) экологик танглик (сайёранинг чўллашуви, тупроқ қатламининг йўқолиши, ўрмонларнинг қисқариши, чучук сув сифатининг ёмонлашуви ва унинг камайиши, дунё океанининг ифлосланиши ва ҳ.к.)нинг олдини олишга қаратилган. ЮНЭП ўз йиллик ҳисоботларини ўзининг иқтисодий ва ижтимоий Кенгашлари орқали БМТнинг	ЮНЭП — межправительственная программа по окружающей среде, начатая по инициативе Стокгольмской конференции ООН (1972 г.) и решению Генеральной Ассамблеи ООН (1973 г.), посвященная экологическому кризису (опустыниванию планеты, потери почвенного покрова, обезлесиванию Земли, резкому ухудшению качества и уменьшению количества пресных вод, загрязнению Мирового океана и т.д.). Через Экономический и Социальный совет ЮНЭП ежегодно представляет доклады о своей деятельности Генеральной Ассамблее ООН.

	English	Ўзбекча	Русский
	the Economic and Social Council of UNEP. Headquarters is in Nairobi (Kenya).	Бош Ассамблеясига тақдим этади. ЮНЭПнинг штаб-квартираси Найроби шаҳрида (Кенияда) жойлашган.	Штаб —квартира ЮНЭП расположена в г. Найроби (Кения).
276.	United Nations Development Programme, UNDP — UNDP is the UN's global development network, an organization advocating for change and connecting countries to knowledge, experience and resources to help people build a better life. UNDP is on the ground in 166 countries, working with them on their own solutions to global and national development challenges. UNDP opened its office in Uzbekistan in January 1993.	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (БМТТД) — БМТнинг глобал тараққиёт тармоғидир. Тараққиёт дастури ислохотлар тарафдори бўлиб, аҳолининг яшаш тарзини яхшилаш мақсадида аъзо давлатларга билим, тажриба ва ресурсларни олиб келади. БМТТД 166 мамлакатда фаолият юритиб, уларга бутунжаҳон ва миллий муаммоларга мустақил ечим топишга ёрдам кўрсатади. БМТТДнинг Ўзбекистон Республикасидаги Ваколатхонаси 1993 йил январь ойида очилган.	Программа развития ООН (ПРООН) — является глобальной сетью развития ООН. Она выступает в поддержку преобразований и предоставляет странам доступ к источникам знаний, практическому опыту и ресурсам в целях содействия улучшению жизни населения. ПРООН работает в 166 странах, взаимодействуя с ними в выработке их собственных решений по проблемам глобального и национального развития. ПРООН открыла своё представительство в Узбекистане в январе 1993 года.
277.	United Nations Economic and Social Council (ECOSOC) — of the United Nations constitutes one of the six (one is not active at the moment) principal organs of the United Nations and it is	БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОК) — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та бош органларидан бири бўлиб, БМТнинг 14 та махсус муассасаларида, функционал ва регионал комиссиялари	Экономический и социальный совет ООН (ЭКОСОК) — один из 6 главных органов (один из них не активен в данный момент) Организации Объединённых Наций, который координирует сотрудничество в

	English	Ўзбекча	Русский
	responsible for the coordination of the economic, social and related work of 14 UN specialized agencies, its functional commissions and five regional commissions. ECOSOC has 54 members and holds one substantive session each year, in July, for a duration of four weeks.	ўртасидаги ва унинг ижтимоий ва иқтисодий соҳаларидаги ҳамкорликни мувофиқлаштиради. ЭКОСОК Бош Ассамблея томонидан уч йил муддатга сайланадиган 54 та аъзо мамлакатдан иборат бўлиб, ҳар йили июль ойида 4 ҳафта давомида асосий сессия ўтказилади.	экономической, социальной областях ООН и её 14 специализированных учреждений, функциональных комиссий и 5 региональных комиссий. ЭКОСОК состоит из 54 государств, ежегодно в Июле в течение 4 недель проводится основная сессия.
278.	UNESCO, United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization — as specialized agency of the United Nations, UNESCO contributes to the building of peace, the alleviation of poverty, sustainable development and intercultural dialogue through education, the sciences, culture, communication and information. UNESCO was established on November 16, 1945 and its Headquarter is in Paris.	ЮНЕСКО, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — БМТнинг ихтисослашган агентлиги сифатида ЮНЕСКО таълим, фан, маданият, коммуникация ва информация орқали тинчликни сақлаш, қашшоқликка қарши кураш, барқарор ривожланиш ва маданиятлараро мулоқотга кўмак беради. ЮНЕСКО 1945 йил 16 ноябрда ташкил топган. Ташкилот бош қароргоҳи Парижда (Франция) жойлашган.	ЮНЕСКО — Организация Объединенных Наций по вопросам образования, науки и культуры — в качестве специализированного агентства ООН, ЮНЕСКО содействует построению мира, борьбе против бедности, устойчивому развитию и межкультурному диалогу через образование, науку, культуру, коммуникацию и информацию. ЮНЕСКО была основана 16 Ноября 1945 года. Штаб-квартира организации находится в Париже (Франция).
279.	UNICEF (The United Nations	ЮНИСЕФ, Бирлашган Миллатлар	ЮНИСЕФ, Детский фонд Организации

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>Children's Fund) — is the lead agency of the United Nations, which deals with solving problems for the survival, protection and development of children. The purpose of UNICEF is to provide children with basic needs, capacity building, as well as providing a more fully realization of the potential of children. Having began since 1994, UNICEF carries out its activities on children's rights in Uzbekistan.</p>	<p>Ташкилотнинг Болалар Жамғармаси — БМТ тизимидаги болалар ҳаётини сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш ва ривожланишини таъминлаш масалалари юзасидан фаолият кўрсатадиган етакчи ташкилотидир. ЮНИСЕФнинг мақсади болаларнинг асосий эҳтиёжларини амалга ошириш ва улар имкониятларини кенгайтириш, ўз салоҳиятларини тўлиқ намоиш қилишларига кўмак беришдан иборат. Болалар жамғармаси болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистонда 1994 йилдан бошлаб фаолият юритади.</p>	<p>Объединенных Наций — ведущая организация системы Организации Объединенных Наций, которая занимается решением задач по обеспечению выживания, защиты и развития детей. Цель ЮНИСЕФ — обеспечение детей основными потребностями и нуждами, расширение возможностей, а также обеспечение более полной реализации потенциала детей. Начиная с 1994 года, ЮНИСЕФ осуществляет свою деятельность по защите прав детей в Узбекистане.</p>
280.	<p>Universal Declaration of Human Rights (UDHR) — is a declaration adopted by the United Nations General Assembly (10 December 1948 at Palais de Chaillot, Paris). It consists of 30 articles which have been elaborated in subsequent international treaties, regional human rights instruments, national</p>	<p>Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси — 1948 йилнинг 10 декабрида (Париж шаҳрининг Шайо саройида) БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган бўлиб, БМТнинг барча аъзо-мамлакатлари учун тавсия этилган ҳужжатдир. Декларация 30 та моддадан иборат бўлиб, Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билимнинг бир</p>	<p>Всеобщая декларация прав человека — рекомендованный для всех стран-членов ООН документ, принятый на третьей сессии Генеральной Ассамблеи ООН в 10 декабря 1948 года (в Дворце Шайо в Париже). Декларация состоит из 30 статей и является частью Международного билля о правах человека, наравне с Международным пактом об экономических, социальных и культурных правах, Международным пактом о</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	constitutions and laws. The International Bill of Human Rights consists of the Universal Declaration of Human Rights, the International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights, and the International Covenant on Civil and Political Rights and its two Optional Protocols.	қисми бўлиш билан бир қаторда, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакт ҳамда иккита Факультатив протокол каби ҳужжатлар билан тенг кучга эгадир.	гражданских и политических правах, двумя Факультативными протоколами.
281.	Urbanization — refers to a process in which an increasing proportion of an entire population lives in cities and the suburbs of cities. Historically, it has been closely connected with industrialization.	Урбанизация — шаҳар аҳолисининг кўпайиш жараёнидир. Урбанизация жараёни саноатлашиш (индустриализация) билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.	Урбанизация — процесс увеличения городского населения. Исторически урбанизация связана с процессами индустриализации
282.	V		
	Value added — is the net output of an industry after adding up all outputs and subtracting intermediate inputs.	Кўшилган қиймат — бу қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати миқдорида ошган ҳамда оралик харажатлар чиқариб ташланган тармоқ ишлаб чиқаришининг соф ҳажмидир.	Добавленная стоимость — представляет собой чистый объем производства отрасли, стоимость которого возросла на величину стоимости выпущенной продукции, за вычетом промежуточных затрат.
283.	Very high, high, medium, low	Инсон тараққиётининг жуда юқори,	Группы с очень высоким, высоким,

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>human development groups — country classifications based on Human Development Index (HDI) quartiles. A country is in the very high group if its HDI is in the top quartile, in the high group if its HDI is in percentiles 51-75, in the medium group if its HDI is in percentiles 26-50 and in the low group is in the bottom quartile. Earlier Human Development reports used absolute rather than relative thresholds.</p>	<p>юқори, ўртача ва паст гуруҳларга тақсимланиши — инсон тараққиётининг индексининг кватриллар асосида тақсимланиши. Агар давлатнинг инсон тараққиёти индекси юқори кватрилга эга бўлса, бу мамлакат инсон тараққиёти бўйича жуда юқори гуруҳга киритилади; давлатнинг инсон тараққиёти индекси 51—75 процентиллар орасида бўлса, юқори ва 26—50 процентиллар орасида инсон тараққиёти даражаси бўйича ўртача мамлакатлар гуруҳига киради; агар қуйи кватрилда жойлашса, инсон тараққиёти даражаси паст бўлган мамлакатларга мансуб бўлади. Аввалги нашр этилган Инсон тараққиёти маърузаларида кўрсаткичларнинг нисбий қийматлари эмас, балки абсолют қийматлари ишлатилган.</p>	<p>средним и низким человеческим развитием — классификация стран на основе квартилей индекса человеческого развития. Страна находится в группе с очень высоким уровнем человеческого развития, если ее ИЧР расположен в верхней кватрили; в группе с высоким уровнем человеческого развития, если ее ИЧР находится между 51-ой и 75-ой процентилью; в группе со средним уровнем человеческого развития, если ее ИЧР находится между 26-ой и 50-ой процентилью и в группу с низким уровнем человеческого развития, если ее ИЧР находится в нижней кватрили. В предыдущих Докладах о развитии человека использовались в основном абсолютные, а не относительные пороговые значения.</p>
284.	<p>Vulnerability — is the threat of deprivation in multiple dimensions that reduce core human capabilities below the threshold.</p>	<p>Ожизлик, тангсизлик — бу кўп томонлама тангсизлик бўлиб, бу иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳаёт учун муҳим бўлган бошланғич неъматлардан маҳрум бўлиш хавфи</p>	<p>Уязвимость — это угроза возникновения деприваций (лишений) во всем многообразии их проявлений, снижающая реализацию основных человеческих возможностей до</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	Vulnerability is a human condition or process resulting from physical, social, economic and environmental factors, which determine the likelihood and scale of damage from the impact of a given hazard.	мавжудлигини билдиради. Ожизлик етказиладиган зарарнинг эҳтимоли ва ҳажмини белгиловчи жисмоний, ижтимоий, иқтисодий ҳамда атроф-муҳит омилларининг инсон ҳаётига салбий таъсири асосида юзага келади.	уровня ниже пороговой величины, т.е. до критического уровня. такие условия человеческого существования, которые сложились в результате отрицательного влияния физических, социальных, экономических факторов, а также воздействия окружающей среды, которые в комплексе определяют вероятность и масштаб нанесенного вреда.
285.	Vulnerable employment — ➤ percentage of employed people engaged as unpaid family workers and own —account workers.	Заиф бандлик — ➤ ҳақ тўланмайдиган уй ишчилари ва ўзларининг ишлари билан банд бўлганларнинг маълум бир қисми.	Уязвимая занятость — удельный вес занятых в качестве неоплачиваемых домашних работников и самозанятых.
286.	W		
	«Washington Consensus» — is the type of macroeconomic stabilization policies and structural adjustment programs recommended by the IMF and the World Bank in countries experiencing financial and economic crisis.	«Вашингтон консенсуси» — молиявий ва иқтисодий таназзулни бошдан кечираётган мамлакатлар учун ХВФ (Халқаро Валюта Фонди) ва Жаҳон Банки томонидан тавсия этилган макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсати ва тузилмавий ўзгартириш чора-тадбирлари дастурларининг мажмуидир.	«Вашингтонский консенсус» — означает тип политики макроэкономической стабилизации и программ структурной корректировки, рекомендуемой МВФ и Всемирным Банком в странах, испытывающих финансовый и экономический кризис.

	English	Ўзбекча	Русский
287.	<p>Water source, improved, population not using — calculated as 100 minus the percentage of the population using an improved water source. Unimproved sources include vendors, bottled water, tanker trucks and unprotected wells and springs.</p>	<p>Яхшиланган сув манбаларидан фойдаланмайдиган аҳоли — 100 фоиздан сифатли сув манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган аҳоли фоизини чиқариб ташлаш орқали ҳисобланади. Сифатсиз манбалар тоифасига сув сотувчилар, бутилкаларга қуйилган сув, автоцистерналар, қўриқланмайдиган қудуқлар ва булоқлар кирди.</p>	<p>Население, не пользующееся источниками улучшенной воды — исчисляется как 100% минус процент населения, имеющего возможность пользоваться источниками качественной воды. К категории некачественных источников относятся торговцы водой, вода, разлитая по бутылкам, автоцистерны и неохраемые колодцы и родники.</p>
288.	<p>Water source, improved, population using — the share of the population with reasonable access to any of the following types of water supply for drinking: household connections, public standpipes, boreholes, protected dug wells, protected springs and rainwater collection. <i>Reasonable access</i> is defined as the availability of at least 20 litres a person per day from a source within one kilometer of the user's dwelling.</p>	<p>Яхшиланган сув манбаларидан фойдаланаётган аҳоли — ичимлик суви манбаларининг қуйидаги тоифалари: водопровод (сув қувурлари) суви, умумий фойдаланишдаги қудуқлар, қўл насоси билан чиқариладиган қудуқ (скважина)лар, қўриқландиган булоқлар ва ёмғир суви коллекторларининг исталган биттасидан амалда (реал) фойдаланиш имкониятига эга бўлган аҳоли фоизи. Реал (амалда) фойдаланиш имконияти фойдаланувчи яшаётган жойдан 1 км. гача масофада жойлашган манбадан кунига 1 кишига камида 20 литр ҳажмда сув олиш</p>	<p>Население, пользующееся источниками улучшенной воды — процент населения, имеющего реальный доступ к любому из типов следующих источников питьевой воды: водопроводная вода, колодцы общественного пользования, скважины с ручным насосом, охраняемые колодцы, охраняемые источники и коллекторы дождевой воды. Реальный доступ определяется наличием доступа к минимальному объему в 20 л на человека в день из источника, расположенного на расстоянии до 1 км от места проживания пользователя.</p>

	English	Ўзбекча	Русский
		имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади.	
289.	<p>Well-being — expanding people’s real freedoms —so that people can flourish. (one of the three human development’s components: include justice, empowerment and agency)</p>	<p>Фаровонлик — инсоннинг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун зарур бўлган ҳақиқий эркинликларнинг кенгайишидир (инсон тараққиётидаги уч таркибий қисмнинг бири сифатида инсон ҳуқуқларининг кенгайиши ва шахснинг ўз олдига қўйган мақсад ва кадриятларига эришишдаги ҳаракатлар эркинлигини, шунингдек, адолатлиликини ҳам назарда тутуди).</p>	<p>Благосостояние — это расширение реальных свобод человека с целью улучшения его развития и процветания (один из трех компонентов человеческого развития, включая расширение прав и агентность, а также справедливость).</p>
290.	<p>Win-win-win — approach/solution that favors equity, sustainability and human development at the same time</p>	<p>Ҳамма учун фойдали (мағлубиятсиз) ёндашув — бир вақтнинг ўзида тенглик, барқарорлик ва инсон тараққиётини таъминлайдиган ёндашув.</p>	<p>Выгодный для всех (беспроеигрышный подход) — подход, одновременно обеспечивающий равенство, устойчивость и человеческое развитие.</p>
291.	<p>Women in government at ministerial level — includes deputy prime ministers and ministers. Prime ministers were included when they held ministerial portfolios. Vice-presidents and heads of</p>	<p>Ҳукуматдаги вазир даражасидаги аёллар — бош вазир ўринбосарлари ва вазирларни ўз ичига олади. Бош вазирлар фақат вазирлик портфели мавжуд бўлган ҳоллардагина киритиладилар. Ушбу таркибга вазирлик даражасидаги</p>	<p>Женщины в правительстве на министерском уровне — учитывает заместителей премьер-министра и министров. Премьер-министры включаются только в случае наличия министерского портфеля. В их число могут входить главы департаментов на уровне министерств или</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	ministerial-level departments or agencies were also included when exercising a ministerial function in the government structure.	департаментлар раҳбарлари ёки мамлакат давлат тузилмасида вазирлик вазифасини бажараётган агентликларнинг раҳбарлари ҳам киритилиши мумкин.	глав агентств, выполняющих функции министерств в государственной структуре страны.
292.	World Bank (WB) — also known as International Bank for Reconstruction and Development. Along with the IMF, was agreed upon by the representatives of 44 countries at the UN Monetary and Financial Conference at Bretton Woods in 1944. The purpose of the bank is to encourage capital investment for reconstruction and development of its member countries, either by channeling the necessary private funds or by making loans from its own resources.	Жаҳон Банки (ЖБ) — шунингдек, Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки деб ҳам аталади. Халқаро Валюта Фонди сингари 1944 йилда, 44 та давлат вакиллари томонидан БМТнинг Бреттон-Вудсдаги Молия ва Пул масалалари юзасидан конференцияси яқунлари бўйича таъсис этилган. Унинг асосий вазифаси, аъзо-давлатлар иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантириш учун бу ерга капитал қўйилмаларининг кириб келишини хусусий маблағларни жалб қилиш ёки ЖБ ресурслари воститасида рағбатлантиришдир.	Всемирный Банк (ВБ) — Также известно как Международный Банк Реконструкции и Развития (МБРР). Также как и МВФ, создан представителями 44 стран по итогам конференции ООН, посвященной Финансовым и монетарным вопросам в Бреттон-Вуде в 1944г. ВБ призван способствовать капиталовложениям в экономику стран-членов в целях реконструкции и развития либо путем привлечения необходимых частных средств, либо за счет займов, предоставляемых из собственных ресурсов банка.
293.	World Health Organization (WHO) — is the directing and coordinating authority for health within the	Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) — БМТ тизимидаги соғлиқни сақлаш бўйича махсус ташкилот ҳисобланади.	Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) — является специализированным агентством по здравоохранению в системе ООН. ВОЗ

	English	Ўзбекча	Русский
	<p>United Nations system. It is responsible for providing leadership on global health matters, shaping the health research agenda, setting norms and standards, articulating evidence-based policy options, providing technical support to countries and monitoring and assessing health trends. Uzbekistan joined WHO in 1992, and the Country Office was established in 1995.</p>	<p>ЖССТ касалликларга қарши курашишга йўналтирилган умумжаҳон ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштириб, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги раҳбарий тамойиллар ва мезонларни ишлаб чиқиш асносида, техникавий мадад кўрсатиш, ўқитиш баробарида экспертлик билим ва тажрибаларини тақдим эта бориб, жамоатчилик соғлиғини сақлаш масалаларини ҳал қилишда мамлакатларга ёрдам беради. Ўзбекистон 1992 йилда ЖССТга аъзо мамлакатлар қаторига кўшилди, 1995 йилда ЖССТнинг мамлакат идораси очилган эди.</p>	<p>помогает странам решать вопросы общественного здравоохранения, координируя всемирные действия, направленные на борьбу с болезнями, разрабатывая руководящие принципы и нормы здравоохранения и предоставляя техническое содействие, обучение, экспертные знания и опыт. Узбекистан вошел в число государств — членов ВОЗ в 1992 г., страновой офис был открыт в 1995 г.</p>
294.	<p>World Wide Fund for Nature (WWF) — is an international non-governmental organization working on issues regarding the conservation, research and restoration of the environment. It is the world's largest independent conservation organization with</p>	<p>Бутун жаҳон табиатни муҳофаза қилиш фонди (WWF) — халқаро нодавлат ташкилоти бўлиб, жамғарманинг фаолияти атроф-муҳитни тадқиқ қилиш, тиклаш ва табиат муҳофазасига қаратилган. Бу дунёдаги энг кўп сонли (5 миллион) аъзоларни бирлаштирган мустақил экологик ташкилот бўлиб, 100 дан ортиқ</p>	<p>Всемирный фонд охраны природы (WWF) — международная неправительственная организация, основными целями которой является сохранение, исследование и восстановление окружающей среды. Это - самая большая в мире независимая организация, имеющая около 5 миллионов сторонников во всем мире, работающая</p>

	English	Ўзбекча	Русский
	over 5 million supporters worldwide, working in more than 100 countries, supporting around 1,300 conservation and environmental projects.	мамлакатларда фаолият олиб боради ва 1300 га яқин экологик лойиҳаларни амалга оширишга кўмак беради.	более чем в 100 странах, поддерживающая около 1 300 экологических проектов.